Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 29 июнь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 47 (6744)

Даъват

Биз жаҳон учун очиқмиз ва жаҳон ҳам биз учун очиқ бўлишига интиламиз.

Ислом КАРИМОВ

Ибрат

Бу кун барчанинг ялпи осойишталик ва равнақ шароитида яшай олиши учун бизни яна бир бор эркинлик ва барқарорлик йўлидаги тўхтовсиз изланишларга илҳомлантиради.

Уильям КЛИНТОН

ОҚ УЙДА УЧРАШУВ

(ЮСИА) — АҚШ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ:

Илгари хабар қилинганидек, Оқ уйда АҚШ Президенти Билл Клинтон ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Оқ уй матбуот хизмати ушбу мулоқот юзасидан баёнот тарқатди. Қуйида унинг тўлиқ матни билан танишасиз.

Оқ уйнинг юқори мартабали меҳмонларга мўлжалланган хонасида Президент Клинтон ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатларни чуқурлаштириш йўллари муҳокама қилинди. Президентлар икки томонни қизиқтирган етакчи иқтисодий, сиёсий ва хавфсизлик масалаларни, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳамда Ўрта Осиёдаги вазиятни муҳокама қилишди. Президент Клинтон АҚШ, Ўрта Осиё мамлакатларининг мустақиллиги, барқарорлиги ва ривожланишидан ҳар томонлама манфаатдор эканлигини тасдиқлади. Жумладан, у Ўзбекистоннинг Ғарб билан қалин муносабатлар ўрнатиш ва халқаро ҳамжамиятга қўшилиш, қўшнилар билан конструктив муносабатлар ўрнатишида АҚШ амалга ошираётган ишларга эътиборини қаратди. Шунингдек, Президент Клинтон Ўзбекистон Ўрта Осиё регионида етакчи ўринда туриши туфайли АҚШ бу мамлакат билан кенг қамровли масалалар бўйича қалин алоқалар ўрнатиш ниятида эканини таъкидлади.

(UZINFO Маркази орқали олинди).

ВАШИНГТОН. 25 ИЮНЬ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ВА АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛЛ КЛИНТОННИНГ ОҚ УЙДА ЯККАМА-ЯККА СУҲБАТИ ПАЙТИ.

РЕЙТЕР АГЕНТЛИГИ ОЛГАН СУРАТ.
«ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ОРҚАЛИ ОЛИНДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ ХЬЮСТОНЛИКЛАР ГУЛЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛИШДИ

Хьюстон. Техас штати. 27 июнь. (ЎзА махсус мухбири Амирқул КАРИМ хабар қилади).

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 26 июнь куни Вашингтондан Хьюстонга келди. Аэропортда Президент Ислом Каримов ва у раҳбарлик қилаётган делегацияни Хьюстон шаҳри раҳбарияти ва шаҳар жамоатчилиги анвойи гуллар, алоҳида самимиятга йўғрилган меҳмоннавозлик билан қарши олди. Ўзбекистон ва АҚШ давлат мадҳиялари янгради.

Ислом Каримов шаҳар жамоатчилиги вакиллари олдида бу заминга Ўзбекистон билан АҚШ, жумладан, мамлакатимиз вилоятлари билан Техас штати ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ниятида ташриф буюрганини қайд этди. Ўзбекистон Президенти Америкада йириклиги ва аҳолисининг сони бўйича 4-ўринда турадиган Хьюстон шаҳри мэри Р. Ланиер билан мулоқотда бўлди. Ҳар икки томон ҳам тобора ривожланиб бораётган иқтисодий ва бошқа соҳалардаги алоқалар мустаҳкамланиши ва кенгайишини ёқлаб фикр билдирди.

Шу куни шаҳарнинг «Хюстониан» меҳмонхонаси мажлислар залида «Ўзбекистоннинг нефть ва газ соҳасидаги имкониятлари» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Америка савдо ва тараққиёт агентлиги раҳбари Ж. Гранд Мейсон бошқарган ушбу конференцияда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Техас штати ишбилармонлари олдида сўзга чиқди. Юртбошимиз ўз нутқида истиқлолга эришиб, ривожланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, жаҳон интеграция жараёнларига тезроқ қўшилиш сари дадил илгарилаётган Ўзбекистоннинг энергетика, жумладан, нефть ва газ саноати, табиий имкониятлари, мамлакатимизда ишбилармонлар учун яратилган шарт-шароит, афзаллик ва кафолатлар ҳақида сўз юритди. Анжуман чоғида «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси билан Америка компаниялари ўртасида қўшма корхоналар тузиш, ҳамкорлик ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди.

Президент Ислом Каримов меҳмонхонанинг кўргазмалар залида ташкил этилган «Ўзбекистоннинг нефт-газ салоҳияти» мавзуидаги кўргазмани кўздан кечирди. «Юнокал» ва «Дельта» компаниялари раҳбарлари билан учрашди. Тушдан сўнг Ислом Каримов ўзи учун ажратилган «Фор сизонс» меҳмонхонаси қароргоҳида «АББ» фирмаси президенти ва ижрочи директори П. Барнавик раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Бу фирма Ўзбекистонда электр станцияларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш борасида муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Суҳбатда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш хусусида сўз юритилди.

Ислом Каримов мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган яна бир Америка корпорацияси — «Энрон» раиси К. Лей билан суҳбатлашди. Бу компания Хьюстондаги «Ривер оакс кантри клап»да Ўзбекистон Президенти шарафига қабул маросими уюштирди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

«ШАРҚ»НИНГ ҚУТЛУҒ ТЎЙИ

Мамлакатимиз матбуот ва оммавий ахборот ходимларининг байрамларига Ўзбекистоннинг энг кекса матбаа корхонаси жамоасининг тантанали шодиёналари ҳам уланиб кетди. Шу куни «Шарқ» матбаа нашриёт концернининг 75 йиллик тўйи нишонланди.

Йиғилишда «Шарқ» матбаа нашриёт концернининг бош директори Ислом Шоғуломов корхонанинг босиб ўтган шонли йўли ҳамда жамоа олдида турган янги-янги вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Йиғилишда Россия, Украина ҳамда Марказий Осиё мамлакатларидан келган меҳмонлар ҳам иштирок этди.

Мухбиримиз.

НАМАНГАНДАН ИККИ ХУШХАБАР

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. F. Йўлдошев номига Наманган вилоятидан икки шошилинчнома келди. Уларда шундай дейилади:

БИРИНЧИСИДА

Янгиқўрғон тумани халқ таълими бўлими ўз анъанасига содиқ ҳолда 57 та мактаб, 24 та мактабгача тарбия ва 7 та мактабдан ташқари муассасани муддатидан илгари вилоятда биринчилар қатори 1996 — 1997 ўқув йилига шайлади. Бу билим ва тарбия масканларининг бинолари оталиқ ва таянч ташкилотлар ёрдамида шу йил 10 июнь куни тўла таъмирдан чиқарилди.

Янгиқўрғон туман халқ таълими бўлими мудири С. Тўрабоев.

ИККИНЧИСИДА

Учқўрғон шаҳар халқ таълими бўлими 1995—1996 ўқув йилида халқ хўжалик режасини барча кўрсаткичлари бўйича муваффақиятли бажарди. Янги ўқув йилига тайёргарликнинг муҳим қисми — барча таълим муассасаларида тўлиқ таъмирлаш ишлари ва лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбоси бўйича муассасаларда жиҳозлаш ишлари якунланди. Биз учқўрғонликлар халқ таълимини ривожлантиришда бор куч-ғайратимизни ва билимимизни аямай, сидқидиллик билан меҳнат қиламиз, деб ишонтирамиз.

Учқўрғон шаҳар халқ таълими бўлими.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ АСОСИ НИМАДА?

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

Юқоридаги хушхабарларга эътибор берган бўлсангиз, «ўз анъанасига содиқ ҳолда», «вилоятда биринчилар қатори» иборалари учрайди. Бу қандай анъана экан, деган савол туғилиши ҳам табиий. Маълумки, ўтган йил ёзида Наманганда республика анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан, Қорақалпоғистон Республикасидан маорифчилар делегациялари, раҳбарлик ташкилотларининг масъул ходимлари, педагогика соҳаси олимлари, мутахассис-тадқиқотчилар иштирок этдилар. Наманганликларнинг ўқувчи ёшларни қадриятлар ва анъаналар руҳида тарбиялаш, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича тажрибалари ўрганилди. Аввало, шуни қайд этиш лозимки, вилоятда маҳаллий ҳокимиятлар мактабга ғамхўрлик — келажакка ғамхўрлик эканлигини ҳис қилган ҳолда ёндашмоқдалар. Ўзбекистон Президентининг халқ таълими соҳасига доир фармонларини бажариш ҳокимиятларнинг устивор йўналишдаги вазифаси бўлиб келмоқда. Вилоятда шаҳар ва туман ҳокимиятларининг қарори билан таълим муассасаларига оталиқ қилиш, ҳомийлик ёрдами кўрсатиш, ўқув базасини мустаҳкамлашда кўмаклашиш намуналари йўлга қўйилган. Мактабмаорифга тааллуқли масалалар, шу жумладан янги ўқув йилига комплекс тайёргарлик масаласи кенгашларда кўриб чиқилиб, аниқ тадбирлар белгиланиши ва уларнинг изчил рўёбга чиқарилиши яхши самара бермоқда.

Таъмирлаш ишининг тез бажарилиши сири нимада? Учқўрғонликлар буни мактаб бинолари ва жиҳозларини яхши сақлашда, деб биладилар ва тажрибада исбот ҳам қилиб келмоқдалар. Бунинг учун тарбияланувчилар ва ўқувчиларда «Мактаб — муқаддас даргоҳ. У меники. Уни гард юқтирмай асраш — бурчим» тушунчасини ҳосил қила билдилар. Натижада

(Давоми 2-бетда).

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ Покистоннинг Лоҳур шаҳридан республикамизга ташриф буюрган бизнесменлар гуруҳининг мақсади Ўзбекистон ва покистонлик ишбилармонлар ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик йўналишларини кенгайтиришдан иборат.

⊛ Республиканинг мингга яқин олими ўзи ўтказаётган тадқиқотларни ривожлантиришга грант олди. Улар Ўзбекистон Фанлар академияси фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси эълон қилган танлов якунлари бўйича энг истиқболли деб эътироф этилган 131 лойиҳани ишлаб чиқишда қатнашмоқда.

⊛ Ўзбек миллий рақс санъати устаси, халқ артисти Мукаррама Турғунбоева номидаги жамғарма ташкил этилди. Унга ўзбек давлат «Баҳор» рақс ансамбли таъсисчи бўлди.

⊛ Минск шаҳрида бўлиб ўтган «Экожаҳон-96» халқаро телефильмлар фестивалида «Орол — менинг тақдиримда» фильми билан қатнашган мамлакатимиз ҳужжатли кино усталари дипломга сазовор бўлишди. Худди шу фильм Словакияда бўладиган «Экотонфильм» халқаро фестивалига таклиф этилди.

⊛ Афғонистон президенти Бурхониддин Раббоний Афғон Ислом партияси етакчиси Гулбиддин Ҳикматёрнинг Кобул ҳукуматини бошқаришга берган розилигини қўллаб-қувватлади. Президентнинг айтишича, бу мамлакатда тинчликни ўрнатишда муҳим қадам бўлган.

⊛ Панамада кўзга кўринган Ҳақиқат учун кураш халқ ҳаракати ҳозирги президент Эрнесто Перес Бальядарес сайлов компаниясининг наркомафия томонидан маблағ билан таъминланганлиги факти исботланганлиги боис мамлакатда зудлик билан қайта сайловлар ўтказиш талаби билан чиқди.

УМИДЛИ ДУНЁ

Уганданинг етакчи университети бўлган Макерере узоқ давом этган репрессиялар ҳамда аҳоли ўртасидаги нотинчликлар туфайли турғунликка тушиб қолганди. Эндиликда билим даргоҳи қайтадан ислоҳотлар сари юз тутмоқда.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

САЙЛОВОЛДИ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Исроилнинг таниқли олимлари премьер-министр лавозимига сайланаётган Бинямин Нетаняхуни олий таълимни қўллаб-қувватловчи чоралар кўришга чақирдилар.

ТОРТИШУВ

Канада ҳукуматининг олий таълим учун ёрдамни камайтирганлиги профессор-ўқитувчилар ўртасида тушунмовчилик ҳамда тортишувларга сабаб бўлмоқда.

ЎРНАК

Британиянинг Кэмбриж университети учун йирик тамаки компанияси моддий ёрдам бермоқчи. Бироқ ҳозирча университет домлалари маблағни қабул қилиш, қилмаслик юзасидан овоз бермоқдалар.

ТЕЛЕФОН ЎҒРИЛАРИ

Орегон штатининг университетларидан бирида бир йўла ўн бир киши ишдан бўшатиб юборилди. Улар университетга тегишли телефон қилишда ишлатилувчи карточкаларни ўғирлаганликда айбландилар.

21 ёшли ТошДУ дипломанти Рустам Ибрагимовнинг диплом иши номзодлик диссертациясига тавсия қилинди

НОМЗОДЛИК МАВЗУСИ — ДИПЛОМ ИШИДА

Баъзан ўйланиб қоламан. Наҳотки энди ватанимиздан ўтмиш бобокалонларимиз Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбекдек кучли истеъдод эгалари етишиб чиқмаса?! Йўқ, истеъдодсиз инсон бўлиши мумкин эмас. Аммо кишидаги қобилиятни уни болалигиданоқ аниқлаб, тарбиялай боришимиз керак. Биздаги мавжуд энг катта иллат — ёшларнинг истеъдодига бефарқ қараш-дир. Оиладаноқ бола қобилиятига эътибор бермаслик, унга совуқ муносабатда бўлиш оқибатида қанчадан-қанча истеъдод эгалари намоён бўлмай қолаётир.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини ёшлигидан қобилиятини аниқлаб, уни қўллаб-қувватласа, муносиб мураббий томонидан тарбияласа, эртага жамиятимиз бундан-да кўп истеъдодли кишиларга эга бўлади. Демакки, ҳаётимиз юқори тараққиёт пиллапоясига кўтарилади.

Яқинда Мирзо Улуғбек номли Тошкент давлат университети механика-математика факультети «Эҳтимоллик назарияси ва математик статистика» кафедрасига тегишли диплом ҳимояси бўлиб ўтди. Диплом иши ҳимоячиси Рустам Ибрагимов. Мавзуи: «Симметрик статистикалар моментларини баҳолаш». Эътиборли жиҳати шундаки, бошқа ҳимоялардан фарқли ўлароқ аудиторияда бирорта ҳам бўш ўрин йўқ. Бундан сездимки, диплом иши ҳимояси жиддий боряпти. Ёзув тахтаси олдида турган йигит (аудиторияда 2 та ёзув тахтаси бўлиб, улар математик формулалар билан тўлган эди) ўз фикрини дадил баён этар, ёғилаётган «саволлар дўли»га аниқ ва лўнда қилиб мисоллар ёрдамида жавоб берарди. Тўғриси, Рустам Ибрагимовнинг бундай ҳозиржавоблиги, босиқлик билан масала моҳиятини тубдан очиб ташлаши унинг туғма истеъдод соҳиби эканлигидан далолат берарди.

Диплом ҳимояси ўз ниҳоясига етди. Унда иштирок этган етти нафар фан доктори, профессорлар ва бир нафар академик бир овоздан мазкур диплом ишини номзодлик

(Давоми 2-бетда)

Абитуриент — 96

АХБОРОТИМИЗ ДАВОМ ЭТАДИ

Газетамизнинг аввалги сонларида Давлат тест маркази томонидан чоп этилган «Ахборотнома» журналининг 6-сони билан таништиргандик. Таништирувимиз давом этади.

«Ахборотнома»нинг 7-сонида ўзбек тили ва адабиёти, ўзбек тили ва адабиёти (иккинчи тил), рус тили (иккинчи тил), математика, физика, кимё, биология, тарих фанларидан, 8-сонида эса ўзбек тили ва адабиёти (иккинчи тил), рус тили ва адабиёти, физика, кимё, инглиз, немис ва француз тили фанларидан тест материаллари берилган. Топиб ўқинг.

Ўқишингизга эса омад!

ММММ

ХАБАРЛАРИ

МАСЛАҲАТЧИ МАШҒУЛОТИ

«Ким? Қандай? Нима?» — Германияда нашр этилиб, мамлакатимизнинг кўпгина мактабларида қўлланилаётган немис тили дарслиги. Яқинда Республика таълим илмий методика марказида ушбу қўлланма таҳлилига бағишланган амалий машғулот бўлиб ўтди.

Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси жаноб Вольфганг Кайнц етакчилигида ўтган ушбу машғулотда вилоятлардан келган немис тили ўқитувчилари иштирок этишди. Иштирокчилар бу ердан катта таассурот ва ўқув қуроллари, дарсликлар, матнлар ёзилган магнит тасмалари олиб қайтишди.

САВОБ

Қизилтепа туманининг Рухобод қишлоғида истиқомат қилаётган отахон ўқитувчи Амриддин Баҳриддинов қишлоқ қабристонида ҳашар усулида музей қурдириб, жиҳозлаттирди. Қишлоқ тарихига оид маълумотлар йиғилган музейнинг ёш авлод тарбиясида аҳамияти катта бўлмоқда.

ЎЙИНЧОҚДАН ФОЙДАЛАНИШНИ БИЛАСИЗМИ?

Бўзлик боғча тарбиячилари худди шу мавзуда беллашишди. Туман маданият уйига йиғилган тумонат одам тарбиячиларнинг бу борадаги уқувини синовдан ўтказдилар. Муборак Ибрагимова мудиралик қилаётган боғча тарбиячилари ўйинчоқлардан қойилмақом фойдалана билар эканлар, алалхусус, улар танловда ғолибликни қўлга киритишди.

КЎКЛАРНИ КЎЗЛАЁТГАН БОЛАЛАР

Яккабоғ шаҳрида Қашқадарё вилояти ўқувчи ёшлар техник ижодиёти марказининг йиллик режасига кўра вилоят ўқувчи ёшларининг ракета лойиҳасозлик бўйича мусобақаси бўлиб ўтди. Болалар ўзлари ихтиро қилишган ракета моделларини намойиш этдилар. Мусобақада Қарши шаҳар халқ таълими бўлими командаси томонидан ясалган моделлар кўпчиликка манзур бўлди ва ушбу команда ғолиб деб топилди.

Муаллифлар: Г. МАМАЖОНОВА, Б. ЭГАМОВ, Х. РУСТАМОВ, А. ОБИДДИНОВ.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

НОМЗОДЛИК МАВЗУСИ – ДИПЛОМ ИШИДА



(Боши 1-бетда).

диссертациясига тавсия этишди. Ўйлаб кўринг. Одатда диплом иши эмас, балки унинг мавзуси номзодлик диссертациясига тавсия этиларди. Аммо бу сафар диплом иши — номзодлик диссертациясига!

Ким билади дейсиз, бундай ҳодиса нафақат Мирзо Улуғбек номли Тошкент давлат университетида, балки республикамизда биринчи марта бўлаётгандир.

Дарҳақиқат, Рустам ёшлигиданоқ барча фанларга, хусусан математикага қизиқарди. 7-синфда ўқиб юриб 8-синф имтиҳонларини «аъло» баҳоларга топширди.

Гарбда ген деган тушунча кенг қўлланилади. Бизда ҳам илгари унинг ота-онасига қараб фарзандининг қандай инсон бўлиб етишишини донолар геннинг ота-она қонининг (одоб-ахлоқ, тарбия, вужуд соғлиги ва ҳоказо) тоза- нотозалигига қараб айтиб беришган.

Рустамжоннинг ота-онаси математик деб эшитдик. Аввало худо деймиз, лекин бунда математика фанига қизиқиш қондан-қонга ўтганлигини ким инкор қила олади. Бундан қондан-қонга ўтган қобилиятнинг тарбиясига ота-она алоҳида эътибор берганлиги таҳсинга лойиқ. Навбатдаги пиллапоя — мактаб ўқитувчилари, сўнг университет домлалари ҳам ўша қобилият тарбияси ва бу қобилиятнинг мева беришига ҳисса қўшганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Келинг, Рустамжоннинг диплом иши хусусида олимлар фикрини билайлик-чи.

ОЛИМЛАР РУСТАМ ҲАҚИДА

Г. ХУДОЙБЕРГАНОВ: механика-математика факультети декани, профессор:

— Рустам Ибрагимовнинг биринчи марта университетга имтиёзли равишда кираётганида, иккинчи марта эса у 2-курсдалигидаёқ турли олимпиадаларга қатнашиб, республикада биринчи ўринларни олишида унинг нақадар кучли истеъдод эгасилигини билганман.

Ш. ШОРАҲМЕТОВ, доцент, диплом ишининг илмий раҳбари:

— Эҳтимоллар назарияси ва математик-статистиканинг назарий ҳамда татбиқий масалаларида симметрик статистикаларнинг моментлари учун аниқ баҳолар олиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур масала устида америкалик олимлар Розенталь, Джонсон, Шехтман, Зин ва польшалик Хитченко, шунингдек, россия олимлари С. В. Нагаев, Н. Ф. Пинелев, С. А. Ўтаев ва В. В. Сазановлар кўп йиллар бош қотиришган.

Аммо бу масала ёпиқлигича қолиб, ўз ечимини топа олмади. Ана шундай йирик муаммони биринчи бўлиб Рустам Ибрагимов ўз диплом ишида тўла-тўкис ҳал қилиб берди. Дарҳақиқат, ҳар қандай илмий кашфиёт ўз-ўзидан дунёга келмайди, балки маълум бир муҳитда, маълум шарт-шароитлар замирида юзага келади.

Рустам Ибрагимов Тошкент давлат университети механика-математика факультетида юқори малакали, ўз ишига фидойи профессор ўқитувчилардан сабоқ олди. Бир сўз билан айтганда, у юртимизнинг машҳур олимлари Т. А. Саримсоқов, С. Ҳ. Сирожиддиновлар асос солган кучли математика мактабида тарбияланди.

Т. ДОЛИМОВ: Тошкент давлат университети ректори вазифасини бажарувчи, академик:

— Истеъдод — илмда энг катта аҳамиятга эга бўлган омил. Аммо иккинчи — бу меҳнат, меҳнат бўлганда ҳам чинакам меҳнат. Рустам Ибрагимовнинг уч йиллик тинимсиз изланиши, фаннинг машаққатли сўқмоқларидан дадил қадам ташлаши, туғма истеъдоди бугун унга ютуқ бўлди. Бу йигит талабалигидаёқ республикамиз ҳамда Россия газета ва журналларида ўзининг илмий мақолаларини жамоатчиликка эълон қилди.

Ишончим комилки, Рустам ўз устида бундан кейин ҳам мунтазам равишда ишласа, Ўзбекистонни дунёга танитадиган кучли олимлардан бири бўлиб етишади.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Математика илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи, физика-математика фанлари доктори, профессор Ш. ҲОШИМОВ:

— Биз «Симметрик статистикалар моментларини баҳолаш» мавзуидаги диплом иши билан олдиндан танишмиз. Мазкур иш бир неча марта илмий семинарларга мавзу бўлган. Тўла ишонч билан айтаманки, диплом иши номзодлик диссертацияси қўядиган барча талаб ва шартларга жавоб бера олади.

* * *

Дарҳақиқат, МДҲда, қолаверса, жаҳонда ечилмаган масалаларни эндигина 21 баҳорни қаршилаган Р. Ибрагимов далил ва исботлар билан ечди. Доно халқимизнинг пурҳикмат сўзи бор: ақл ёшда эмас, бошда! Республикамизнинг йирик ва обрўли олимларининг унга бўлган ишончи ҳам шундан.

Рустам Ибрагимов олдидаги эндиги синов — Олий Аттестация комиссияси қўйган шартлардан муваффақиятли ўтишдир. Бунга эса Рустамда илм ҳам, истеъдод ҳам, имконият ҳам мавжуд. Бу Ўзбекистон илмида кичик бўлса-да, ўзига хос воқеа. Бу ёш олимни номзод бўлиш учун қилинажак расмиятчиликларни ҳам бемалол енгиб ўтишга тайёрлайди.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ АСОСИ НИМАДА?

(Боши 1-бетда).

бинолар ва жиҳозлар яхши сақланишига эришилдики, бу айни пайтда кам сарф билан тез ва сифатли таъмир қилиш имконини бераётир. Шунингдек, бу ишга оталиқ ва ҳомий ташкилотлар маблағ ҳамда қурилиш материаллари билан ўз вақтида кўмак бермоқдалар. Таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари кўп жойларда ўқитувчилар ва юқори синф ўқувчиларининг фаол иштирокида амалга оширилаётир. Киши ўз меҳнати билан яратган гўзалликни ўзи бузмайди! Бу — ҳам тарбиянинг муҳим асоси!

Наманганликларнинг янги ўқув йилига тайёргарлигини «комплекс» иборасиз қўллаш ғайритабиий бўлиб қолади. Ана шу «комплекс» сўзи мазмунида ўқув қуроллари билан таъминлаш, мактабларнинг қишга ҳозирлиги, болаларни мактабга тайёрлаш каби қатор долзарб ишлар ҳам бор.

Учқўрғон, Чортоқ, Янгиқўрғон, Наманган туманларида янги ўқув йилига ҳозирлик доирасида болаларни мактабга тайёрлаш асосан уч йўналишда — мактабгача тарбия муассасалари, уй-хонадонларда ота-оналар, маҳалла ва жамоа ташкилотлари орқали олиб борилмоқда. Маҳалла ва жамоа ташкилотларида шартнома асосида уюштирилган болаларни мактабга тайёрлов ўқуви учун ота-оналар, шунингдек ҳомийлар маблағ ажратмоқдалар. Биргина Учқўрғон туманида ўтган йили 489 нафар бола шартнома асосида мактабга тайёрланганги фикримизнинг далилидир.

Умуман, наманганлик маорифчиларнинг янги ўқув йилига анъанавий комплекс тайёргарлиги борасидаги тажрибалари республикамизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида шароитдан келиб чиқиб кенг оммалашишига эришиш керак, деб ўйлаймиз.

Маҳкам РАҲМОНОВ.

Бешикларимизга кўзмунчоқ осиб қўямиз, кўзмунчоқ болани асрагай! Бешик болани тебратар, бола эса дунёни...

...Кўзмунчоқли, рангин нақшли бу бешик бола учун яратилди. Унда ётган боланинг умри узоқ бўлсин! Бешикни ясаганларнинг ҳам қўллари дард кўрмасин!

Жиззах шаҳридаги 22-гимназия нақкошлик тўгараги раҳбари Олимжон Нарзиев ёғочга жило беради. Ўз шогирди Дилмурод Юсуповга нафақат бешик, балки қиррали курсилар, тошойна, ҳар хил қутичаларга ўйиб нақш тушириш сирларини ҳам ўргатади. Илойим, ҳунарларингизга кўз тегмасин, устозу шогирдлар.!

Р. АЛЬБЕКОВ сурати.

Давлат тили тўғрисидаги Қонун — амалда

ТИЛ—СИЁСАТИМИЗ КЎЗГУСИ

Агар тил алоҳида шахс учун дил калити бўлса, жамиятимиз ва халқимиз учун у туғро, байроқ ва мадҳиямиз каби озодлик ва мустақиллик рамзидир. Шунинг учун ҳам истиқлол йўлидаги биринчи қадам ўзбек тилига давлат мақомини бериш ва бу мақомни қонунлаштиришга эришишдан иборат бўлган эди. Ўзбекистоннинг «Давлат тили ҳақидаги»ги Қонуни мустақиллигимизнинг дебочаси бўлиб, у Республикамизда мустақиллик эълон қилинишидан сал кам икки йил аввал қабул қилинган эди.

Табиийки, ўша даврдаги ижтимоий ва сиёсий тузум шароитида вужудга келган Қонун матнини истиқлол ғояси қарор топаётган, ҳаётимизда инқилобий ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги кунда таҳрир этиш лозим бўлиб қолди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Давлат тилини изчил жорий этиш жараёнини такомиллаштириш ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига мукаммал ўтилишини таъминлаш» мақсадида ўзининг 1995 йил 21 декабрдаги қарори билан «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Қонун қабул қилди. Ушбу Қонун илгариги матнидан нима билан фарқ қилади?

Қуйида «Тил ва адабиёт таълими» журналининг бош муҳаррири, педагогика фанлари доктори, профессор Р. Толипованинг шу ҳақдаги фикрлари баён этилади.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек тилига давлат мақоми берилиб, бу мақомнинг қонуний равишда тасдиқланиши истиқлол ғоясининг биринчи зафари эди. Катта кураш ва тортишувлар натижасида юзага келган ва қабул қилинган бу Қонун матни рус тилининг уша пайтда мавқеи ҳали жуда баланд бўлган тил сиёсати таъсири остида юзага келган эди.

Қонуннинг янги таҳририда биринчи навбатда кўзга ташланадиган нарса истиқлол туфайли ўзгарган тил сиёсатидаги бу таъсирнинг сусайиши, янги қонуннинг барча моддаларида рус тили «миллатлараро муомала тили» эмас, «Республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг она тилларидан бири» сифатида қайд этилганидир. Буни қонуннинг илгариги матнидаги 1, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 14, 15 моддаларига киритилган ўзгартишлардан кейин уларнинг янгича таҳририда кўриш мумкин.

Қонуннинг янги таҳрири хусусиятларидан яна бири — матнининг анча ихчамлаштирилганидир. Шу билан бирга, тил сиёсатида ҳам бир қатор эркинликлар қарор топганлиги туфайли қарор матнига бу эркинликларни акс эттирувчи янги модда ва бандлар киритилган. Бунга мисол қилиб 3-модданинг 1, 2, 3 ва 42 бандлари, 7-модданинг 3-банди, 23-модда тўлалигича қўшимча тарзда киритилишини кўрсатиш мумкин.

Жумладан, 3-модданинг иккинчи бандида ўзбек тилининг Қорақалпоғистон Республикасида амал қилиши шу Республика қонун ҳужжатлари билан белгиланиши, учинчи бандда — ушбу Қонун тилларининг турмушда, шахслараро муомалада ҳамда диний ва ибодат билан боғлиқ удумларни адо этишда қўлланишини тартибга солмаслиги; тўртинчи бандда — фуқароларо муомала тилини ўз хоҳишларига кўра танлаш ҳуқуқига эга эканликлари қайд этилган. Тил соҳасида Республика фуқароларига берилган бундай эркинликлар Қонуннинг аввалги матнида акс этмаган эди.

Қонуннинг янги таҳририга унинг илгариги матнидаги 4-моддада қайд этилган «давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари ўз хизмат вазифаларини бажариш учун республика давлат тилини етарли даражада билишлари шарт», шунингдек «аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шахслар хизмат вазифасини бажариш учун давлат тилини зарур бўлган даражада билишлари лозим» деган бандларнинг киритилмагани ҳам ижтимоий ҳаётимизда тил эркинлиги қонуний жиҳатдан таъминланиши исботидир.

Қонуннинг дастлабки матнини қабул қилишда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ҳақ-ҳуқуқи ҳали ҳимояга муҳтож эди. Шунинг учун ҳам ўша пайтда унинг биринчи бандидаёқ «ўзбек тили бутун чоралар билан ривожлантирилади ва унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида тўлиқ амал қилиши таъминланади» деган сўзлар қайд этилган эди. Мустақиллик қўлга киритилгандан кейинги беш йил мобайнида ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ҳуқуқий мавқеи тўла тиклангани сабабли 1 ва 2-моддаларда бу каби сўзларни Қонуннинг янги таҳририга киритишнинг ҳожати қолмади. Ана шундай бандларнинг қисқартирилиши ҳисобига ҳам янги таҳрирдаги Қонун матни анча ихчамлашди.

Қонуннинг дастлабки матнидаги 15, 16, 17 ва 18-моддаларнинг янги таҳририга киритилмагани ҳам уни ихчамлаштириш имконини берган. Бу моддаларнинг тушириб қолдирилишига сабаб, уларда умумтаълим мактаблари ва бошқа ўқув юртларидаги дарслар, дарсликлар, ўқув-методик ва илмий-техник адабиётлар, тилнинг илм-фан соҳасида қўлланиши, араб алифбоси, илмий-педагогик кадрлар каби масалалар ҳақида сўз юритилган. Булар ҳаммаси мустақилликка эришилгандан сўнг давлатимиз томонидан қабул қилинган «Таълим ҳақида»ги Қонунда ҳам ўз аксини топган.

Қайд этилган қонун-қоидаларнинг мантиқий изчиллигини таъминлаш ва Қонун матнини ихчамлаштириш мақсадида янги таҳрирда моддаларнинг баён этиш тартиби ҳам ўзгартирилган. Жумладан, 13, 14, 19, 25, 29-моддаларда қайд этилган фикрлар муайян тартибда 5, 6, 7 ва 15-бандларда қисман қисқартириб берилган.

Қонуннинг янги таҳририда гарчи лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш ҳақида ҳеч нарса айтилмаган бўлса ҳам, лекин ундаги давлат тилининг ёзма шакли билан боғлиқ 9 ва 10-моддаларга киритилган ўзгартишлар 1996 йилдан эътиборан секин-аста, босқичма-босқич лотин ёзувига асосланган алифбода амалга оширила бошланиши кўзда тутилган. Аминмизки, Қонуннинг 1995 йилги таҳририда баён этилган тадбирларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши Узбекистонимизда қарор топаётган янги тил сиёсатини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

Раъно ТОЛИПОВА,
«Тил ва адабиёт таълими» журнали бош муҳаррири, профессор.

Мактаб, оила ва жамоатчилик

ТАРБИЯНИНГ УЧ АСОСИЙ БЕШИГИ

Суд идораси ёнидан ҳар куни ўтаман. Беихтиёр суд жараёни бўлаётган ҳоллларга дуч келаман. Қора курсида ўтирганларнинг аксарияти кечагина ўрта мактабни битирган, ҳали уйланмаган ёки 1 — 2 фарзандли йигитлар, ўрта махсус ва олий мактабларни битириб эндигина иш бошлаган ёш мутахассислар. Кўпчилиги ўғирлик, безорилик, зўравонлик қилиб, ўзгалар молига чанг солганлар, қалбаки ҳужжат тўғрилаб, ноқонуний йўл билан пул ўзлаштирганлар. Гуноҳкорлар, айбдорлар қилмишларига яраша жазоланишяпти.

Ҳўш, улар нопок йўлларга кириб кетмасликлари, жиноят содир этмасликлари мумкинмиди? Ҳа, мумкин эди. Нега шундай бўлди? Жавоби аниқ: нотўғри тарбия уларни эгри-бўғри, нопок йўлларга бошлаган, етаклаган. Бу тарбиянинг уч асосий бешиги — оила, мактаб, жамоатчилик ўртасида ҳамкорлик, узаро ёрдам, мақсад бирлиги, қўллаб-қувватлаш бўлмаганлиги натижасидир.

Қамалган ёш йигитларнинг келажак тақдири нима бўлади? У ердан қандай одам бўлиб қайтишаркин? Тавбасига таяниб, тўғри йўлини топиб, эси кириб келса-ку, ҳўп-ҳўп. Тескариси бўлса-чи?! Ахир у ерда пихини ёрган, тажрибали, «ўз ишининг моҳир усталари» бўлган жиноятчилар ҳам бор. Улардан сабоқ олиб қайтиб келса-я?! Яна ташвиш, ғурбат, янги жиноят. Бу ҳаммани уйлантириши, ташвишлантириши лозим.

Аслида ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Болага эътиборсизлик, фаолиятига лоқайдлик билан қараш оқибатида уни ўзимиз жиноятчига айлантириб қўямиз.

Ўғирлик бола ақли етмаган вақтда кичкина, арзимас нарсадан бошланади. Унга вақтида жиддий қаралмас экан, нопок, қинғир ишлар илдиз отиб, болалаб кетаверади. Бебош бола экилган ёш ниҳолларни, дарахт шохларини аёвсиз синдиради. Қушнининг боғига, полизига, ҳовлисига кириб мева, қовун-тарвуз ўғирлайди. Катакдан аввал тухум, кейин товуқ йўқ бўлиб қолади. Бу бора-бора қуён, каптар, велосипедга ўтади. Топиб олдим, деб пул, танга, қалам, ручка, копток, уйинчоқлар, тақинчоқлар каби кўпда эътибор берилмайдиган нарсаларни олиб кела беради. Куча-кўйда эса қизларга тегажоғлик қилади. Йўл тўсади. Буни шўхликка йўйиб, кўрмагандай ёнидан ўтиб кетилади. Тартибга чақирилмайди. Ота-она юқоридаги нарсаларни қаердан олганлигини сураб- суриштирмайди. Бировнинг нарсасини, ҳатто кўчада ётса ҳам, сўроқсиз олиш ўғрилик, одобсизлик эканлигини боланинг қулоғига қуйиб, қайтариб жойига олиб бориб қўйдирмайди. Булар майда-чуйда бўлиб қуриндади бизга. Бир қилган икки, икки қилган одатланиб қолишини эсдан чиқариб қўямиз.

Тарихга назар ташласак, ота-боболаримиз худодан қўрққан, иймонли, эътиқодли, диёнатли бўлишган. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бировнинг нарсасига кузини ола қилмаган. Улар «Ножуя ҳаракатимни яратган эгам кўриб турибди, гуноҳ бўлади. Нариги дунёда қандай жавоб бераман? Охиратим куйиб кетади», — деб ўйлашган. Фарзандларига, қуни-қўшни, маҳалла ёшларига ҳам шундай тарбия берганлар. Энг муҳими покликка, одилликка, тўғриликка, аввало, ўзлари амал қилганлар. Бунинг эса тарбияда аҳамияти каттадир.

Назаримда тарбиянинг уч асосий бешиги — оила, мактаб, жамоатчилик ўртасида алоқа яхши эмас. Мактабда ўқиётган фарзандининг ўқишидан хабар олмайдиган, юриш-туриши билан қизиқмайдиган ота ва оналар ҳам бор. Улар фарзандини мактабдан олиб қолиб савдо қилдиради. Рузғор юмушлари билан банд қилиб қўйишади. Бола олдига тарбияга зид талаблар қўйишади. Энг ёмони болани мактабдан, ўқитувчидан бездиради. Фарзанди олдида ўқитувчининг обруйини тўкиб камситади, қадр-қимматини ерга уради. Бу эса болага салбий таъсир қилиб, тарбиясини бузади. Бу ҳақиқатни ота-она тушуниб етмайди.

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Ота-она мактабга келиб, ўқувчилар ўртасида ўқитувчига бақириб-чақириб, уни беҳурмат қилиб, ёқасидан олди. Нега? Ўқитувчининг айби нима? Ўқитувчи бу ота-онанинг фарзандини тартиб-интизомга чақириб, уни ёмон йўлдан қайтаргани учун шундай беҳурмат этилиши керакми? Маълум бўлишича, бу ота-онанинг ўғли кўп дарс қолдирарди. Уйидан сумка кутариб чиқади-ю, лекин мактабга келмасди. Келса ҳам дарсларга қатнашмасди. Дарсларни ўзлаштирмасди. Яна ўқитувчиларга қўпол гапириб одобсизлик қиларди. Синф раҳбари бу ўқувчининг ўзи ва ота-онаси билан кўп суҳбатлашганди. Лекин натижаси бўлмаганди. Ота-она ўқитувчи маслаҳатларига қулоқ осмади. Албатта, бундай ота-оналарнинг ўқитувчини обрусизлантиришга қаратилган ҳаракати афсусланарли ҳолдир.

Мактаб ва оила ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилса, улар бир мақсад сари интилишса, тарбияда ижобий ўзгариш рўй беради. Бахтиёр (исмини ўзгартирдик) мактабга кўп вақт келмай ўқишдан қолиб кетди. Ҳатто уйга ҳам бормай ҳали у қариндошиникида, ҳали бу қариндошиникида юрди. Сабр-тоқатли синф раҳбари бола билан шуғулланди. Ота-онаси ҳам ҳамкорлик қилишди. Натижада у нопок йўлдан қайтариб қолинди. Ҳозир Бахтиёр яхши ўқияпти. Хулоса шуки, оила, мактаб ва жамоатчилик тарбияда бир бўлса, ҳар қандай болани тўғри йўлга солиб юборса бўлади.

Шамидулла ОТАҚУЛОВ.

Ўқитувчиларнинг август кенгашлари

1995-96 ўқув йилида ўрта умумтаълим мактабларининг 11-синфлари битирувчилари математикадан имтиҳонни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим илмий-методика маркази томонидан тайёрланган имтиҳон материаллари асосида ўтказилди. Аммо бу тузилган имтиҳон материаллари баъзи камчиликлардан холи эмас. Имтиҳон билетлари материаллари юзасидан тушунтириш хатида ҳар бир ўқувчи билетга жавоб ёзишда қўйилган топшириқларнинг айнан талаб қилинаётган жавобини ёзиши лозим, дейилган. Бироқ билетга киритилган айрим материаллар бу талабни бажаришга имкон бермайди, яъни материаллар математика ўқув режасида ҳамда дарсликда йўқ ёки бор бўлса-да уларни ўрганишга алоҳида дарс соатлари ажратилмаган.

«Алгебра ва анализ асослари»дан олинган билет саволларида қуйидагиларга дуч келдик. 12-билетнинг биринчи саволида «Функциянинг монотон ўсувчи бўлиши ҳақидаги теорема ва унинг исботи» 19-билетнинг биринчи саволида «Функциянинг монотон камаювчи бўлиши ҳақидаги теорема ва унинг исботи» деган иборалар бор.

Ҳўш, ўқувчи жавобни қаердан олади? Амалдаги (А. Н. Колмагоров таҳрири остида чиққан «10-11-синфлар учун алгебра анализ асослари») дарсликдан бу теоремани топишга ўқувчи қийналади. Чунки дарсликда «монотон» сўзи ишлатилмаган, шунингдек ундан аниқ теорема орқали жавоб топиб бўлмайди. Чуқурроқ фикрлаган ўқувчигина дарсликнинг 22-бандидаги «Функциянинг ўсиш (камайиш) аломати» деган мавзудан ўқитувчи ёрдами билангина жавоб топиши мумкин.

АНИҚЛИККА АМАЛ ҚИЛИНСА

МАТЕМАТИКА ШЎЪБАСИ МУҲОКАМАСИГА

Ҳозирги пайтда ўрта умумтаълим мактабларида А. В. Погореловнинг «Геометрия» (7—11 - синфлар учун) дарслиги амалда қўлланма бўлиб келмоқда. Бироқ тузилган саволлар ҳам шу дарслик мундарижасига мос келмайди. Масалан, 9-билетнинг 4-саволида «Мунтазам тетраэдр ва унинг хоссалари» деган савол қўйилган. Мазкур саволга амалдаги дарсликда аниқ жавоб йўқ. Фақат дарсликнинг «Мунтазам кўпёқлар» деган мавзусидагина мунтазам тетраэдр ҳақида» қисқагина маълумот берилган холос. Мунтазам тетраэдрнинг хоссаларига оид маълумотлар эса йўқ. Ҳўш, ўқувчи қўйилган саволга жавобни қаердан топади?

Худди шунингдек, 23-билетнинг 4-саволида «Мунтазам кесик пирамида ва унинг хоссалари» деган савол бор. Мунтазам кесик пирамида ҳақида дарсликнинг «Мунтазам пирамида» деган мавзусида қисқа маълумот бор, аммо қандай хоссаларга эга эканлиги кўрсатилмаган. Бинобарин, бу саволга фақатгина ўқитувчи ёрдамидагина кесик пирамида хоссалари кўпчилиги пирамида ва трапеция хоссаларига ўхшашлигини ва бошқа кўплаб хоссаларини қўллаш асосидагина жавоб топиш мумкин.

Шунга ўхшаш 24-билетда «Куб ва унинг хоссалари» деган савол қўйилган. Дарсликда эса бевосита бундай мавзу «йўқ». Бу саволга дарсликнинг «Кўпёқ» деган ҳамда «Мунтазам кўпёқлар» деган мавзуларида қисқагина жавоб топиш мумкин. Шунда ҳам бу мавзуларда кубнинг хоссалари ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Кубнинг хоссаларини аниқлаш учун квадратнинг ва тўғри бурчакли параллелепипед хоссаларини билиш шарт. Буни биз ўқитувчилар биламиз. Ўқувчиларчи ? Улар билмайдилар. Чунки кубнинг хоссаларини аниқлаш учун, квадратнинг ва тўғри бурчакли параллелепипеднинг хоссаларини билиш шарт деб, ўқувчиларга билим берилмаган.

Математика фани режасида, дарслигида «Кубнинг хоссалари» деган мавзу йўқ. Биз эса имтиҳонда ўқувчиларимиздан ўтилмаган мавзу бўйича билим талаб қилаётирмиз. Эҳтимол, билет материаллари муаллифлари консультациялар жараёнида бу мавзуларни ўқувчиларга тушунтириб бериши мумкин, деб ҳисоблагандирлар. Бизнингча, билетлар бундай эҳтимолликларни кўзда тутишдан холи бўлиши лозим.

Умуман келгусида имтиҳон билетлари тузишда етук мутахассислар билан биргаликда, ўрта умумтаълим мактаби ўқитувчилари ҳам иштирок этса, шунингдек, имтиҳон материаллари тайёрлаш учун педагогик ходимлар ўртасида танлов ўтказилса, нур устига нур бўлур эди. Бу каби фикрлар ўқитувчиларнинг анъанавий август методик кенгашлари математика шўъбаси йиғилишларида чуқур муҳокама қилинади, деб умид қиламиз.

Дилбар ОЧИЛОВА,
Тошкент вилояти Бўка туманидаги 8-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси.

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

БОЗОР ҚОНУНЛАРИ — пул воситасида бозорда товар айирбошлашнинг моҳиятини ифода этувчи, уни бошқариб турувчи объектив иқтисодий қонунлар. Улар жумласига талаб ва таклиф қонуни ҳамда пул муомаласи қонуни киради. Бозор қонунлари бозор муносабатлари соҳасида амал қиладиган қонунлар, объектив тарзда ҳаракат қилади. Бозорда талаб ошса, нархни ҳам оширадилар, агар пасайса, нархни ҳам тушурадилар. Жамият бозор қонунларига риоя қилиб, муомалага фақат керакли миқдорда пул чиқаради. Агар пул кўпайиб, қимматчилик юз бериб, пул қадри тушиб кетса, ортиқча пул муомаладан чиқарилади, пул билан товар ўртасидаги мувофиқлик таъминланади. Бозор қонунларини англаган ҳолда жамият инфляцияга қарши тадбирларни амалга оширади. Бу қонунлардан уларни ифода этувчи иқтисодий (қиймат) дастакларга (нарх, процент, фойда, дивиденд, харажат ва ҳ. к.) таъсир этиб, уларни шароитга мослаштириш орқали фойдаланилади. Бунда бозор қонунларининг иқтисодиётга таъсири бозор регулятори орқали амалга ошуви назарда тутилади.

БОЗОРДАН ТАШҚАРИ ФОНДЛАР — режали иқтисодиётда давлат ва кооператив чакана савдони четлаб, истеъмол ва бошқа мақсадларга мўлжалланган товар фондларининг бир қисми; бозордан ташқари фондлар: армия таъминоти фондлари; саноат истеъмоли фондлари (бошқа товарларни ишлаб чиқариш жараёнида ёрдамчи материал сифатида ишлатиладиган маҳсулотлар); бюджет ҳисобидаги ижтимоий-маданий ташкилотлар таъминланадиган фондлар; махсус кийим-кечаклар, махсус пойабзаллар фонди; экспорт; давлат резерви.

БОЗОРНИ БОШҚАРИШ — бозор муносабатларининг муайян мақсад ва маълум йўналишда ривожланиб боришига қаратилган махсус фаолият. Уни давлат, корхоналар, бирлашмалар ёки корпорациялар амалга оширади. Бозор муносабатлари иштирокчилари бозорни бошқариш объекти бўлса, бошқарув идоралари унинг субъекти бўлади. Бозорни бошқариш — бозорни ташкил этиш, уни режалаштириш ва тартибга туширишдан иборат фаолиятни ўз ичига олади. Булар орасида бозорнинг тартибга туширилиши бошқаришнинг ҳал қилувчи бўғини ҳисобланади. Бозорни бошқаришда иқтисодий, ташкилий, маъмурий ва, ниҳоят, ижтимоий-психологик усуллар қўлланилади.

Давоми бор.

Боши ўтган сонларда.

Иқтисод сабоқлари

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШДА МУЛКЧИЛИК ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ШАКЛЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ

Кооператив мулки - жамоа мулкининг асосий тури, ҳар хил кооперативларга бирлашган кишиларнинг умумий мулки, мулкдаги ҳиссадорликка асосланган бўлиб, гуруҳий мазмунга эгадир.

Ижарага олинган корхона жамоаси мулки — ижарачилар жамоаси ўзи ишлаб топган пул. Бундай корхонада мулк икки қисмдан иборат бўлади:

1) корхона эгасига қарашли мулк 2) жамоага қарашли умумий мулк. Шу иккинчи мулк объекти биргаликда ишлаб топилган пул ёки пулга олинган ва жамоа тасарруфидаги ҳамда унинг манфаати йўлида ишлатилувчи моддий бойликдир.

Корхона жамоасининг мулки — ишчи ва хизматчилар жамоаси давлат ёки хусусий мулк соҳибидан сотиб олган ва умумлаштириб, биргаликда ўзлаштириладиган мулкдир. Бу ерда мулк иккига ажралмайди, ҳамма мол-мулк ва пул маблағлари корхона жамоаси ихтиёрида туради.

Корхона ва ташкилотлар уюшмаси (ассоциацияси) мулки — маълум мақсад йўлида уюшма ташкил этганларнинг умумий мулкидир. У ўз фаолиятини уйғунлаштириш, савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш, бошқаришни ташкил этиш учун ҳар хил ёки бир хил мулкка оид корхоналар ва ташкилотлар ажратган моддий ва пул маблаги ҳисобидан ташкил топади. Лекин у иштирокчилар мулкидан алоҳидалашган умумий мулк ҳисобланади.

Ижтимоий ташкилотлар мулки — ижтимоий ташкилотлар, партиялар, касаба ташкилотлари, халқ ҳаракатлари, турли фанлар ва бошқаларга аъзо бўлган ва ўз улушини қўшган кишиларнинг умумий мулкидир. У бадал пули, ажратмалар, хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар ҳисобидан пайдо бўлади, ташкилотлар низомида кўрсатилган фаолиятни амалга оширишга хизмат қилади.

Диний ташкилотлар мулки диндорлар ташаббуси билан вужудга келган ташкилотларнинг мол-мулкидир. Бу мол-мулк ҳам биргаликда тасарруф этилади ва у ўтмишдан мерос қолган диний бино-иншоотлар билан чекланмай, диндорлардан тушган маблағлар, корхона ва ташкилотларнинг хайрия ёрдами, диний маросимлардан тушган даромад ҳисобидан шаклланади. Мазкур мулк объекти масжид, мадраса, черковлар, костёллар, синагоглар ва у ердаги асбоб-анжом, китоблар, маросим учун зарур булган буюмлар, ташкилотлар ихтиёридаги мул маблаги ва бошқалардир. Унинг субъекти диндор кишилар. Улар номидан мулкни диний ташкилотлар тасарруф этади. Мазкур мулк фақат дин йўлида ишлатилади.

Ўзбекистон Республикаси Қонунида юқорида кўриб ўтилган жамоа мулки турларидан ташқари оила мулки ва маҳалла мулки Қонун йўли билан қайд этилган. Оилавий корхона ва хўжаликлар борки, у ердаги мол-мулк даромад топишни кўзлайди, биргаликда ўзлаштирилади. Бир неча қондош оилалар уюшмаси жамоа бўлиб, унинг доирасида мулкий алоқа пайдо бўлади. Оила мулки объекти оилага қарашли мол-мулк бўлиб, у меҳнат воситалари билан бирга истеъмол буюмларидан ҳам иборат. Оила мулки заминида микроиқтисодиётнинг бир тури — оила хўжалиги амал қилади.

Маҳалла жамоатчилик асосида ўз-ўзини бошқариш тизими бўлиб, у маълум ҳудудда яшовчи барча оилаларни бирлаштиради. Маҳалла мулки — маҳалла аҳолисидан иборат жамоа доирасида унга қарашли бойликни ҳамжиҳатлик билан ўзлаштиришдир. Маҳалла ихтиёридаги бино-иншоотлар (кутубхона, идора биноси), маросимларга хизмат қилувчи асбоб-анжомлар маҳалла мулкининг объекти бўлса, унинг субъекти жами маҳалла аҳли ҳисобланади. Маҳалла аҳлининг пул маблаглари, давлат (маҳаллий ҳокимият) берган маблаглар, маҳаллада жойлашган корхона ва ташкилотларнинг хайрия ажратмалари ҳисобига маҳалла мулки шаклланади ва ўсиб боради.

Давлат мулки бойликни ўз вазифасини адо этиш учун давлат томонидан ўзлаштирилишидир. Бу мулк давлат пайдо бўлиши билан вужудга келади, аммо унинг мақсади ва миқёси ўзгариб туради. У хусусий ва жамоа мулкидан ўсиб чиқади, яъни уларга тегишли моддий ва маънавий неъматлар давлат тасарруфига ўтади.

Давлат мулкининг пайдо бўлиши ва ривожланиши қуйидагилар ҳисобидан бўлади: 1) мулк национализация этилиши (миллийлаштирилиши), яъни хусусий мулкнинг давлат мулкига айлантирилиши; 2) давлат маблаги ҳисобидан корхоналар қурилиши; 3) жамиятда яратилган, аммо бошқа мулкларга тааллуқли даромадлар бир қисмини солиқ ундириш орқали давлат бюджетига олиниши.

Шундай қилиб, тўлиқ хўжалик ҳисоби ижара муносабатлари системаси ва бошқа иқтисодий шакллар орқали давлат мулки иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқарилади ва жамият мулки даражасига кўтарилиб боради. Натижада ишлаб чиқарувчиларнинг воситаларига ҳақиқий эгалиги таъминланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш давлат мулкини турли хил йўллар билан иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқариш билан бирга, унинг бир қисмини хусусийлаштиришни тақозо қилади.

Хусусийлаштириш давлат мулкини иқтисодиёт бўйича давлат секторини хусусий шахсларга беришдир. Хусусийлаштириш давлат мулки монополия доирасини чеклаш, эркин соҳибкорлик ташаббусига йўл очиш, бозор иқтисодиётини рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, хусусийлаштириш иқтисодиётни давлатлаштиришдан воз кечишнинг бир йўли. Бу йўл орқали давлат мулки фуқарога берилиб, хусусий мулкка айлантирилади. Ҳар бир киши миллий бойликдаги ўз ҳиссасига эга бўлади. Хусусийлаштириш — бу хусусий мулкка эга бўлишгина эмас, балки шу мулкни ишлатиб, иқтисодиётни ўстириш учун ўз зиммасига мажбурият ҳам олишдир. Давлат мулкини сотиб олишда чет эл фуқаролари ва фирмалари ҳам иштирок этиши мумкин.

Хусусийлаштириш давлат мулкини маълум даражада ҳақиқий эгалари — фуқароларга бериш демакдир. Давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида, авваламбор, хусусийлаштириш йўли билан яхши иқтисодий натижаларга эришган давлатлар тажрибасидан тўлароқ фойдаланиши ва улар йўл қўйган хатоларни такрорламаслиги керакки, бу билан бозор иқтисодиётининг ривожланишини таъминлаш мумкин.

Хусусийлаштириш, аввало, давлат мулкини инвентаризация этишдан, яъни янгидан уни ҳисоб-китоб қилиб, унинг ҳақиқий қиймати миқдорини аниқлашдан бошланади. Шундан кейин хусусийлаштириш учун ажратилган давлат мол-мулкининг рўйхати тузилади, давлат мулкини сотиб олиш шарт-шароити аниқланади. Давлат мулки аҳолига бепул берилиши, нақд пулга ёки насияга сотилиши мумкин. Кичик ҳажмдаги уй-жой, нормативдан оз бўлган квартира, кичик ер участкалари истиқомат қилувчиларга бепул, майда корхоналар эса амалдаги қиймати бўйича сотилиши мумкин.

Давлат мулкини хусусийлаштириш сиёсати республиканинг ўзига хос хусусиятларини, маҳаллий ва миллий шароитларни, урф-одатларни ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич олиб борилиши лозим. Нуфус муаммоларига алоҳида эътибор берган ҳолда, аввало, кичик савдо шохобчалари, умумий овқатланиш соҳасининг айрим кичик корхоналарини, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини ҳамда қурилиш ташкилотларининг айрим соҳаларини хусусийлаштириш орқали амалга ошириш зарур. Бу биринчи босқичдаги хусусийлаштириладиган корхоналар булиб, улар ўз фаолиятларини моддий манфаатдорлик асосида олиб борадилар. Бу ишни иккинчи босқичда ҳам олиб бориш зарур деб ҳисоблаймиз.

Бозор итисодиётининг талабига биноан кичик корхоналар анча самарали ҳисобланади. Шунинг учун бозордаги коньюктурани ўрганиб, ишлаб чиқаришга бўлган талабни ҳисобга олиб, бозордаги камёб товарларни кўпайтириш учун кичик корхоналарни мослаштириш осон. Кичик корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уни бошқариш йирик корхоналарга қараганда анча қулайдир. Шу сабабли ўрта корхоналарни хусусийлаштириш Ўзбекистон шароитида яхши самара беради.

Қисқадан ҳисса шуки, барча мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари учун, аввало, энг умумий иқтисодий шароитлар яратиш зарур. Бундай шароитларни вужудга келтиришнинг асосий шартлари қуйидагилардир:

— пул муомаласининг барқарорлиги, сўмнинг умумий эквивалентлик ва халқ хўжалик иқтисодий параметрларининг ягона ўлчовлик ролини ошириш. Бу кўп жиҳатдан молия ва кредит тизимини илмий асослаш ва пул муомаласи балансига амал қилишга боғлиқ;

— ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларининг балансли бозорини, пулнинг эркин айланиш имкониятларини ва унинг бошқа чет эл валюталарига мослашувини таъминлаш;

— турли мулкчилик шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялашда, аввало, эрки, иқтисодий ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш, бунинг учун тадбиркорлик орқали мулкка эга бўлиб, турли мулкчилик корхоналарида меҳнат қилаётган ишловчиларнинг малакасига, ҳар бир ишчи ёки ходимнинг бажараётган иши сифати, жамият учун адо этаётган вазифанинг муҳимлигига мос равишда иш ҳақи тўлашни жорий этиш зарур. Шу йўл орқали ишчи қилган меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссини туйиб меҳнат унумдорлигининг оширилишига барча имкониятлар яратилади.

Нутфулла ХЎЖАЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

(Давоми. Боши газетамизнинг ўтган сонларида).

БОЛАЛАР РОСА МАЗА ҚИЛИШДИ

Хабарингиз бор, газетамизнинг ўтган сонида ўз касб байрамлари баҳона журналистлар қувнаганлиги ҳақида ёзгандик. Бу гал эса уларнинг болалари роса маза қилишди, дейишга арзигулик иш бўлди. Шу байрам муносабати билан ташкил этилган тантана Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг кўпчиликка фақатгина ойнаи жаҳон орқали таниш бўлган «Тошкент-Ленд» дам олиш боғида бўлиб ўтди.

Одатдагидек, бошида ноодатий (бунга ҳам ўйинқароқ болакайлар сабабчи бўлди чамамда) қисқа фурсатли расмий йиғин бўлиб ўтди. Уни республика Матбуот Қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов очди. Республика Президенти девони ҳузуридаги Ахборот маркази раҳбари вазифасини бажарувчи Қаҳҳор Рашидов ҳамкасбларини байрам билан қутлади.

Республика Журналистлар уюшмасининг 1995-1996 йилларда газета-журналларда эълон қилинган ва радио-телевидениеда эшиттирилган, кўрсатилган «Йилнинг энг яхши журналистик иши учун» танлови ғолиблари диплом билан тақдирланди. Бир гуруҳ журналистлар эса республика «Наврўз» хайрия жамғармасининг пул мукофотларига сазовор бўлишди.

Тантаналарда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайрулла Жўраев иштирок этди.

Шундан сўнг сайр бошланди. Кимдир фарзанди билан бошидан адоғигача саноқли дақиқада тўрт-беш хил ҳолатга солиб, олиб-бориб келадиган аравачага, кимдир 180 градусда айланадиган ҳалинчакка, яна кимдир гўё паст, гўё баланд қилиб айлантирадиган чархпалакка, бутун шаҳарни томоша қилишни хоҳлаганлар эса катта айланма ҳалинчакка чиқишди. Айниқса, турли тасодифий қўрқинчли ҳолатларга тўла хонага сайрга киришга навбат узун бўлди. Шу баҳона катталар ҳам зимдан ўз юракларини синовдан ўтказиб олишди. Кишида жонли таассурот қолдирадиган жонсиз «Африка-Сафари саёҳати» ҳам болаларни ҳайратга сола билди. Айтганча, уч соатча давом этган бу кўнгилхушликларнинг барчаси текинга тушди.

Қисқаси, бу кун болакайлар ўйнади, кулди, дам олди. Қўлчаларидан етаклаб борган дадаларию ойиларини янада яхши кўриб кетишди. Болалар қувончидан, уларга кўрсатган заррача меҳримиз эвазига улардаги олам-олам меҳр қайтишининг ўзи биз учун ҳар қандай байрамдан ҳам аъло.

МУХБИРИМИЗ.

Суратларда: тантанадан лавҳалар.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

«Тажриба, синов, натижа

ҲАВОХОН ОПАНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ

Таълим муассасасидаги ишнинг самараси, натижаси кўп жиҳатдан раҳбарнинг дунёқараши, лаёқати, ишбилармонлиги, касбий маҳоратига боғлиқдир. У ўз ҳамкасбларининг ғамхўрига айланиши, уларнинг ҳурматига сазовор бўлиши учун ҳар куни, ҳар нафасда педагогик жараённинг икир-чикирлари, муаммолари билан қизиқиб туриши керак.

Қўқон шаҳридаги 9-махсус мактаб-интернат раҳбари Ҳавохон Абдуллаева ҳақида илиқ сўзлар айтиш мумкин. Унинг ташаббуси билан қисқа вақт ичида бу ерда анчайин ўзгаришлар қайд этилди. Мактаб иш тажрибаси оммалаштирилиб, 1974 йили Олмалиқ, 1976 йил Самарқанд шаҳарларида заиф кўрувчи болалар мактаб-интернати ташкил топди.

— Дастлаб мактаб-интернатни қабул қилиб олганимда, — дейди Ҳавохон Абдуллаева, — бу ерда оддий бино бўлиб, у ҳам ночор ҳолатда эди. Табиийки, болаларнинг ўқуви ҳам, ётоғи ҳам бир корпусда эди. Ўтган йиллар мобайнида интернатнинг ички ва ташқи қиёфасида жиддий ўзгаришлар кўзга ташланди. Янги ўқув бинолари қурилди, жисмонан чиниқиш учун спортзал, билим ошириш учун кутубхона, ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари ҳамда анжуманлар ўтказишга мўлжалланган зал ишга туширилди.

Мактаб-интернатда Фарғона вилоятидаги шаҳар ва туманларда яшовчи меҳнаткашларнинг 310 нафар фарзандлари яшаб, таълим олиш билан бирга кўриш қобилиятларини тиклаб, умумий саломатликларини мустаҳкамлаяптилар. Болаларнинг кўриш қобилиятларини тиклаш учун махсус тиббий хоналарни доимий равишда замонавий даволовчи асбоб-ускуналар билан жиҳозлаб бориш эътиборимиздадир.

Билим масканидаги таълим-тарбия ишлари пухта жиҳозланган фан хоналарида олиб борилади. Ўқув машғулотлари ўзбек ва рус тилларида бўлиб, директорнинг таклифига биноан, ўқувчилар инглиз тилини ўрганишга ҳам мойил бўлиб қолишди.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг асосий шакли — бу дарсдир. Дарслар маъруза, семинар, синов, мунозара, ўйин, лабиринт, саёҳат, интеграциялаштирилган шаклларда олиб борилади. Синов тариқасида бошланғич синфларга инглиз тили машғулоти киритилган. Дарсларнинг самарадорлигини ошириш, унинг янги-янги турларини жорий этишда Ҳавохон Абдуллаева доимо ўқитувчиларга ижодий томондан ёрдам бериб туради. Иш усуллари бўйича ўзаро ўртоқлашилади. Ўқитувчиларга давлат ва жамиятнинг ривожланишидаги муҳим масалаларни ўрганиб боришни, дунёқарашни кенгайтириш лозимлигини уқдириб боради.

— Мактаб-интернатда ички назоратнинг йўлга қўйилгани бу ерда худди шу мавзуда республика семинарини ўтказишимизга замин яратди, — дейди директор. — Бизда ички назоратни ташкил этишда ишларнинг бажарилиш муддатини аниқ белгилаш, текширувчи, бажарувчи, масъулларнинг аниқ рўйхатини тузиш, текшириш мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш, режадаги текшириш бўлса, ўқитувчиларни олдиндан огоҳлантириш, текширишни якунлаш, хулосаларнинг муҳокама этилиши биринчи даражали шарт қилиб қўйилган. Назорат қилинадиган педагогик режим боланинг эрталаб уйғонишидан то ётиб ухлашигача бўлган вақтни ўз ичига олиши, бу ишда ҳеч қандай майда-чуйда ёки иккинчи даражали иш бўлиши керак эмас, деган қоидага риоя қилинади.

Ҳавохон Акбаровна бошлиқ педагогик жамоа «Таълим тўғрисида»ги Қонунни бажара бориб, педагогик режимни тўғри уюштириш, дарс ва дарсдан ташқари вақтларда соғломлаштириш ишларини мақсадга мувофиқ ташкил этиш, бунда ўқитувчи, ўқувчи, ота-она муносабатларини тўғри шакллантиришга асосий эътиборни қаратиб келаётир. Шу боис билим масканида ўқувчилар соғлигини доимо муҳофазаловчи тартиб вужудга келди.

Ҳа, мактаб-интернатда даволаш ишларига катта эътибор берилаяпти. Ғилайликни операциясиз даволаш мақсадида коррекцион аппаратлардан фойдаланилмоқда. Махсус Таълим концепциясида нуқсонли болаларни ҳаётга мослаштиришни эрта бошлаш, шундан келиб чиқиб махсус мактабларда ўқитиш муддатини қисқартириш, ўхшаш предметларни интеграциялаштириш, меҳнат, касб-ҳунарга тайёрлашнинг янги турларини жорий этиш асосий масала қилиб белгиланган. Шуларни назарга олиб мактаб-интернатда ўқиш муддати 12 йил ўрнига 11 йилга туширилди. Айрим фанлар ўқиши ихчамлаштирилди. Синов ўзини оқлади. Ҳозирги кунда бу билим масканида 11 йиллик таълим жорий этилди.

Ҳавохон Абдуллаеванинг изланувчанлиги, тадбиркорлиги барчага маълудир. Бундай аёллар туфайли болаларнинг кемтик бахти бутунлашгандек бўлади.

Р. ШОМАҲМУДОВА.

ҲИКМАТ – БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

Бир донишманддан сўрадилар:

— Инсонга бахт келтирувчи энг яхши фазилат қайси?

Донишманд шундай жавоб берди:

— Яхши ном орттириш учун саховат, барча олам учун тўғрилик, Аллоҳ учун ибодат, мард киши учун донолик, ҳар бир қилинадиган яхши ишларда комиллик, тан осойиши учун яхши кайфият, хурсандчилик, бой яшаш учун қаноат яхшидир.

Баҳриддин МАҚСУД ўғли тайёрлади.

ЖАВОҲИРЛАР ХАЗИНАСИ

Тақриз

Нафақат оила, балки бутун жамият ёш авлоднинг юксак ахлоқ ва одоб соҳиби бўлиб етишида буюк роль ўйнаган. Халқ мақол ва маталлари, қўшиқлари, афсона ва ривоятлар, достонлари орасида фарзанд тарбияси билан бевосита боғлиқлари сон-саноқсиз. Улуг алломалар ва машҳур кишиларнинг бисотларида ҳам «Одоб-олтиндан қиммат» деган сўзларнинг ҳақиқатга айланишига қўмак берувчи панд ва насиҳатлар тизими, ҳикматлар хазинаси борки, улар азалдан халқ педагогикасининг асослари сифатида хизмат қилиб келади.

Шу кунларда «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган китоб ҳам худди шу мавзуга бағишланган. «Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар» деб номланган бу китоб қадим замонлардан XX асрнинг биринчи чорагига қадар асосан Турон заминида кишиларнинг руҳий, маънавий ва жисмоний тарбияси бўйича олға сурилган ғоялар, фикрлар, қарашларни яхлит тизим сифатида ўрганиш вазифасини ўз олдига қўйган.

Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитасининг ҳомийлигида майдонга келган бу тадқиқот халқимизнинг узоқ асрлар мобайнида, турли ижтимоий тузумлар ва иқтисодий вазиятларга қарамай ёш авлодни юксак маънавий мезонлар асосида тарбиялаш ва шакллантириш бўйича олиб борган тажрибасини маълум даражада умумлаштиради. Узоқ даврлар мобайнида халқ педагогикасининг дурдоналари сифатида пайдо бўлган ё ўзида таълим ва тарбияга оид муҳим ғоя ва қарашларни ифодалаган асарларни таҳлил доирасига тортади. Шу тарзда бизни ўзбек халқи шу пайтгача яратиб келган улкан одобнома саҳифалари билан таништиради.

Муаллифлар ўзбек халқ педагогикаси тарихини турли босқичларга ажратган ҳолда ўрганиб, тўғри йўлни тутганлар. Улар гарчанд халқ педагогикамизнинг дастлабки босқичи сифатида VII—XII асрлар ва бу даврда етишган Аҳмад Югнакий, Исмоил Бухорий, абу Исо Термизий, Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино ва Юсуф Хос Ҳожибларнинг «педагогик» меросига эътиборни қаратган бўлсаларда, «Ўзбек халқ ижодида миллий қадриятларнинг ифодаланиши» деб номланган бобда авваламбор фольклор асарларидаги таълим ва тарбия билан боғлиқ ғояларни назардан ўтказишни лозим, деб топганлар. Ва бу ҳол ўзбек педагогик тафаккури илдизлари энг қадимги туркий оғзаки ижод намуналарига бориб тақалади, деган фикрнинг нурланиб туришига имконият яратган.

Шундай қилиб, муаллифлар гарчанд тадқиқотнинг кириш қисмида айтиб ўтмасалар-да, миллий педагогика тарихини қуйидаги босқичларга ажратганлар: 1) VII—XII асрлар; 2) XIII—XVII асрлар; 3) XVIII аср — XIX асрнинг биринчи ярми; 4) XIX асрнинг иккинчи ярми — XX асрнинг бошлари.

Шу нарса мароқлики, агар дастлабки даврда юқорида тилга олинган еттита оламшумул алломанинг педагогик қарашлари тадқиқот учун жалб этилган бўлса, қолган тарихий, маданий даврларда халқ педагогикаси тараққиётига катта ҳисса қўшган алломалар сони тобора камайиб боради ва фақат сўнгги даврдагина улар сафи жадидчилик ҳаракати ва адабиёти вакиллари ҳисобига кенгаяди. Бу — нафақат ўзбек халқ педагогикаси, балки адабиёти, санъати ва илм-фани учун ҳам характерли хусусиятдир. Зеро, ўзбек халқи туркий илдиздан шаҳобчаланар экан, бир неча асрлар мобайнида қайта шаклланиш жараёнини бошдан кечиради. Темурийлар сулоласининг заифлашиши ва обрусизланиши, айниқса, Марказий Осиёнинг руслар томонидан истило этилиши халқ педагогикасининг тараққиётига ҳам салбий таъсир ўтказади. XX асрнинг бошларига келиб, рус, турк ва эрон инқилоблари таъсирида майдонга келган жадидчилик ҳаракати эса нафақат ёш авлодни, балки умуман, мудроқ Туркистон аҳолисини янги маданий ва маърифий юксакликка олиб чиқиш вазифасини ўз олдига қўяди, шу мақсадда унга маънавият, маърифат ва ҳуррият нурларини пуркайди. Бунда Беҳбудий, Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли сингари жадидларнинг педагогик фикр тараққиёти тутган ўрнига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Китоб фақат ўзбек педагогик тафаккури тарихи саҳифаларини варақлашни эмас, айни пайтда Марказий Осиё халқлари учун муштарак маънавият тарбияси билан боғлиқ муаммоларни ҳам ўрганишни кўзда тутган. Шу мақсадда унда форс-тожик адабиётининг Саъдий Шерозий ва Рудакий сингари пирлари, туркман донишманди Маҳтумқули, буюк қозоқ оқини Абай, қорақалпоқ шоири Бердақ, шунингдек, қирғиз халқининг «Манас» эпоси тўғрисидаги боблар ҳам берилган. Хуллас, муаллифлар Урта Осиёда педагогик тафаккур тарихи лавҳаларини ана шу бичимда яратиш орқали ўзбек халқининг қўшни тақдирдош халқлар билан бирга жаҳон маданияти ва жавоҳироти хазинасига қўшган ҳиссасини кўрсатишга эришганлар.

Шубҳасиз, китоб нуқсонлардан ҳам холи эмас. У «Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар» деб номланганига ҳолда унда Ян Коменский, К. Д. Ушинский педагогик фаолиятини ёритувчи мақолалар ҳам берилган. Саъдий ва Рудакий ҳақидаги мақолалар «Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Россия мутафаккирлари таълим-тарбия ҳақида» деган қисмдан ўрин олгани ҳолда Аҳмад Донишнинг педагогик қарашларига бағишланган мақола Фурқат ҳақидаги мақола билан ёнма-ён берилган. Ўзбек халқи маънавиятининг шаклланишига беқиёс даражада катта таъсир ўтказган Аҳмад Яссавий, Абдулла Қодирий сингари талайгина сиймоларнинг муаллифлари эътибордан четда қолганлиги ҳам афсуслананарли ҳолдир. Фитратга бағишланган мақолада эса унинг бевосита таълим ва тарбия муаммолари тадқиқ этилган «Оила» сингари муҳим асарлари умуман унутилган.

Китобда жиддий нуқсонлар ҳам бор. Масалан, Абдулла Қодирий «Синчалак» қиссасининг муаллифи сифатида тилга олинган. Форобийнинг «Субстанция ҳақида», «Логикага кириш», Берунийнинг «Минералогия» сингари асарлари араб тилида яратилгани учун бу рисолаларнинг асл арабий номи ҳам кўрсатилса, аъло иш бўлурди.

Шубҳасиз, бундай нуқсонлар умуман илмий-маърифий ҳаётимизда қувончли воқеа бўлган ушбу тадқиқотнинг катта аҳамиятини асло пасайтирмайди. Марказий Осиёда педагогик тафаккур тараққиёти тарихига бағишланган ушбу китоб ҳозирги тарихий-ижтимоий ва маънавий жараённинг талаби билан юзага келган. Асрлар мобайнида яратилиб келинган ва халқ маънавиятининг шаклланишига хизмат қилган асарлар бундан кейин ҳам жавоҳирлар хазинаси бўлиб қолади. Халқнинг эътиборини шу хазинага қаратиш, унинг қалбини жавоҳирлар жилоси билан нурлантириш ҳамиша хайрли ва муборак юмушдир.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори.

Қадрият

Зайниддин ҒАЗЗОЛИЙ

ЖОҲ ВА ҲАШАМАТНИНГ ТАРИҚАЛАРИ

(«Кимиёи саодат»дан)

УЧИНЧИ ЖИНС. РИЁ БЎЛУР ИШЛАР БАЁНИДА

Билғилки, аксар риёкорлар ўзларини порсоликда кўрсатур. Андоғким, ҳалол эгин (либос) киймоқ даҳдаҳасин қилур, аммо танҳоликда ҳаромдин ўзини пок тутмас, сўзламакда риё қилур, чунончи аксар лабини тебратур бу ғараз бирлаки, халқ ақида қилғайким «ҳамиша зикр айтур». Ваҳоланки, халқдин ҳам бўлса зикр айтмас. Ва авлиё ва атқиё (муттақийлар) ҳикоясин қилғай, ва халқ гумон қилғайким, илми тасаввуфни ўбдон билғай. Ва ё бошини тубан солиб тебратур, халқ гумон қилғайки, важд ва жазабадордур. Ва ё оҳи сард тортар, халқ гумон қилғайким, мусулмонларнинг ғофиллиғидин афсус ва надомат қилур. Ва ё ахбор (ҳадис) ва ҳикоятларни баён қилур, то халқ ақида қилғай (ишонғай)ким (олим, уламо) кишидур деб.

ТҲРТИНЧИ ЖИНС. Тоатда риё қилмоқ

Чунончи кишини кўрса йироқдин рукуъ ва сужудни одамлар бирла бажо келтириб, таъдили арконни бажо қилур. Ва садақани халқ орасида берур. Ва агар йўл юрса бошини тубан солиб оҳиста юрур ва агар ёлғиз бўлса шитоб бирла ҳар тарафга қараб юрур.

БЕШИНЧИ ЖИНС — улки, ўзини бу тариқа кўрсатурки, муриди бисёр ва шогирди бешумор бўлғай. Амиру фузалолар анинг хизматига келгай ва ани табарру билгай ва машойих ани азиз ва мукаррам тутғайлар. Ва агар аҳил салоҳни кўрса айтурким: «Сен кимдурсен ва кимнинг муридисан? Ва мен нечанд ерларни кўрибмен ва неча йил фалон пирларнинг хизматини қилибмен, ва сен кимни кўрибсен? — деб ва мундин ўзга ҳам чандон макр, талбислар қилурки, бу ишлар ҳаммаси хиромдур. Чунки тоат ва ибодат худо учундир, халқ учун эрмас. Аммо, тоат ва ибодатда баъзи нимарсаларни талаб қилмоқ мубоҳдир, (яъни рухсат этилган). Чунончи, халқ орасига чиққонда ораста бўлиб, яхши эгин кийиб чиқиш мубоҳдур. Балки суннатдурким, меҳр-мурувват изҳор қилган бўлур, порсолик изҳор қилган бўлмас.

Агар илми луғат ва илми тиб, ҳисоб ва нужум бирла ўз фазилатин изҳор қилиб, иззат ва жоҳ (обрў) талаб қилмоқ ҳам мубоҳдур (рухсат этилган). Аммо илми дин, яъни оёт ва масоъил (оятлар, дин масалаларини биламан деб) фазилат изҳор қилмоқ риёдурким, бу илмлар тоат, ибоҳат жумласидандур. Ҳазрати расул (А.С) даргоҳларига саҳобалар жамъ бўлўшиб эрди, (ул зот) уйдин чиқмоқни хоҳиш қилдилар. Эрса ойина олиб, соқолларини тарадилар. Хазрати Ойиша разияллоҳу айдиларким: «Ё, расулуллоҳ, нима учун мундоғ қилурсиз?» Расулуллоҳ айдилар: «Худои-таоло дўст тутадур ул банданиким, биродарларига хўб (яхши) кўринмоқ учун (ўзига) зеб ва оройиш бергай».

Бас, расули акрамнинг бу феъларига иқтидо қилиб (эргашиб), бир оз ўзига зебу оройиш бермоқ мубоҳдур. Ва кишиким, рукуъ ва сужудда риё қилибдур, ҳақиқат (аслида) маҳлуқа (бандага) рукуъ ва сужуд қилғон бўлур. Бу важдин риёни ширк дебдурлар.

Нашрга тайёрловчи МАҲКАМ МАҲМУД АБДУЛЛОҲ КУЛОҲИЙ.

Боши ўтган сонларда.

Олтин ёз — ўтмоқда соз

ЛАЗЗАТНИНГ МИНГ ЛАҲЗАСИ

Шовиллаб оқаётган Яккабоғ дарёсидан ўтиб, баландликка кўтарилдик. Бироз юргандан сўнг тепасида вилоят агросаноат уюшмасига қарашли «Улуғбек номли оромгоҳ» деб ёзиб қўйилган дарвозага бурилдик. Қалин дарахтлар ва анвойи гуллар билан қопланган оромгоҳга киришимиз билан кўксимизга салқинлик уфуриб, танга ором бахш этди. Дарахт шохларида сайроқи қушлар ва булбулларнинг ёқимли хониши, йўлаклар бўйлаб ариқчалардан оқаётган зилол сувлар овози ажиб бир мусиқа садоларини эслатар эди.

Оромгоҳ директори Нишон Рўзиев дам олиш маскани билан бизни таништирди. 5 та 80 ўринли, 10 та 50-60 ўринли болалар ётоқхонаси 600 ўринли ошхона, кутубхона, ўқиш зали ва бошқа қўшимча бинолар сифатли таъмирланган. Ҳар бир ётоқхона ва бинолар атрофида турфа гуллар очилган. Болаларнинг дам олиш мавсумини намунали ўтказиш учун 200 минг сўмлик қаттиқ ва юмшоқ анжомлар олинган.

— Оромгоҳда болаларнинг мириқиб дам олишлари учун қулай шарт-шароитлар муҳайё, — дейди биз билан суҳбатда Нишон Рўзиев. — Иқтисодий қийинчиликлар содир бўлиб турган ҳозирги шароитда ички имкониятларни ишга солиб, ёз мавсумида 2000 нафардан ортиқ боланинг кўнгилли дам олишлари учун етарли маблағ тўплаганмиз. Оромгоҳда I сменада 650 ўқувчи ҳордиқ чиқармоқда. Улар учун 100 минг сўмдан ортиқроқ озиқ-овқат маҳсулотлари тўпланди.

Оромгоҳнинг очилишига туман ҳокимияти, халқ таълими бўлими ва қатор жамоат ташкилотлари амалий ёрдам кўрсатдилар. Бу ерда қулоқ, томоқ, бурун нафас йўллари касаллигини даволаш учун 3 та физиотерапия хонаси ташкил этилиб, ўндан ортиқ электр даволаш асбоблари ўрнатилган. Ҳозир болалар ўртасида тарбиявий, ташкилий ва даволаш ишлари олиб борилаётир. Бош тарбиячи Бахтиёр Абдураҳимов, бош етакчи Ислом Узоқов, мусиқа раҳбарлари Намоз Раҳмонов ва Ўктам Тўраев, даволовчи шифокорлар Асадулла Ражабов, Собир Холмуродов, Анвар Диёровлар болалар атрофида парвона.

Болалар учун оромгоҳ ҳудудидаги боғда етиштирилган гилос, олча, зардоли, олма ва бошқа мевалардан компот тайёрланмоқда. Шунингдек сабзи, пиёз, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам етиштирилиб, улардан сифатли овқат тайёрланаётир. Ёшларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишлари учун қўшни оромгоҳ спорт гуруҳлари билан турли мусобақалар ўтказилади. Китоб кенглик станциясига, Яккабоғ ун ва пахта тозалаш заводларига саёҳатлар уюштирилади.

Оромгоҳнинг «Эртаклар шаҳарчаси»да аргумчоқ, сирпанчиқ ҳамда сув ҳавзаларида қизиқарли машғулотлар олиб борилмоқда. Бешта тўгараклар намунали ишлаб турибди.

Хайрулла ТЎРАЕВ.
Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани.

Ҳамкасблар ижодидан

МУАЛЛИМ

«Пиримнинг пойига бош қуяй, ўлсам» —
Темурнинг сўзлари тарихдан маълум.
Пирлар кимлигини мен англаб билсам,
Меҳрибон устозим экан — муаллим.

Кўзингни очар ул — олам кўрасан,
Яхшилик одобдан беради таълим.
Унинг мақсадларин англаб биласан,
Тўғри йўл кўрсатар сенга муаллим.

Эътиқод қўйсангиз, сиз унга дўстлар,
Хазина сандиғин очар лиммо-лим.
Қўқонбой бош эгиб, ҳам таъзим айлар,
Дунёда улуғ зот — сизсиз, муаллим!

Қўқонбой МИРЗАЛИЕВ.
Оҳангарон тумани.

ЭСЛАШ

Талабалик пайтин қўмсаб, дилда соғинч, хотира,
Хотираки, барглардаги шабнам каби бокира.
Дорилфунун булоқ эди, биз сувига қонмаган,
Қуёш чиқар уфқ эди, нурлар тўкиб толмаган.
Маърифатнинг сувларидан, нурларидан маст эдик,
Илм кўкда қуёш эди, биз чўзилган даст эдик.
Илму адаб, фалсафани севар эдик боғоят,
Образларда жонланарди гулгун ҳаёт, гулҳаёт.
Такрорланмас бу фаслнинг дунёсида шоҳ эдик,
Эътиқодда содиқ эдик, нияти чўнг, пок эдик.
Дарё эдик тўлқинланиб, ўзанига сиғмаган,
Дониш эдик бор дунёнинг юрагини тинглаган.
Кўрар эдик қатра ёшда қуёшларнинг аксини
Япроқларга чизар эдик юракларнинг расмини.
Севар эдик олис юлдуз шуъласига боқишни,
Юракларга кўчирардик оппоқ ҳисни — оққушни.
Қалбдан-қалбга кўприк эди эзгу ният, эзгу ҳис.
Қалбимизда чайқаларди бир туп наъматак, ялпиз
Тош, тош эмас, сўқир ва кар дилнинг рамзи эди чин.
Биз денгиздан томчи эдик, денгиз эди бу очун.
Наздимизда Ватан — чинор, бизлар эдик япроғи,
Ўртар эди қалбимизни илдиз бўлмоқ қийноғи.
Дарахтлардан чирт узилиб тушса ногоҳ япроқлар,
Дилга кириб келар эди бош кўтариб қийноқлар.
Бу оламда неки маҳжуд ҳикматларга ёр эди,
Ҳар юракнинг ўзи очар муъжизаси бор эди.
Биз дунёда дунё эдик, эзгуликка қўл берган,
Дунёларга дунё ҳавас қилар сўқмоқ, йўл берган.

Барот ЯРАШ.

Ҳурматли ота-оналар, корхона ва ташкилотларнинг болажон раҳбарлари! Агар Сиз ўз фарзандларингизнинг ёзги таътил давомида ўлкамиз билан бевосита танишишини ҳоҳласангиз, асрлар оша мозийдан садо бериб келаётган кўҳна обидаларни кўриб ҳайратга тушсин десангиз

Халқ таълими вазирлиги республика Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази ёзги мавсум давомида ўқувчилар, ота-оналар учун Тошкент — Самарқанд — Бухоро йўналиши бўйича тўрт кунлик (1700 сўм), Тошкент — Самарқанд йўналиши бўйича уч кунлик (1300 сўм), Тошкент — Қўқон — Фарғона — Андижон — Наманган йўналиши бўйича тўрт кунлик (1700 сўм) саёҳатларни таклиф этади. Шунингдек, Тошкент — Ғазалкент — Қоранқўл йўналишида 3 кунлик (400 сўм) фаол дам олишни уюштиради. Саёҳат нархига транспорт, меҳмонхона, овқатланиш ва экскурсия хизмати харажатлари киради. Пул тўлаш усули турлича (нақд пул билан ва пул ўтказиш йўли билан). Корхона ва ташкилотлардан буюртмалар қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Навоий кўчаси, Шайхонтоҳур тор кўчаси, 10-А уй. Мулжал «Санъат саройи» рўпараси, тел. 44-34-57, 44-34-67.

Хулдас...

АРХИМЕД ТАЁҒИ

Бобокалонларимизнинг ёғоч тўқмоғидан тортиб, буёғи атом бомбасигача ҳимоя ва ғорат воситаси бўлиб келган. Бу орада уларнинг не-не турлари яратилмади, дейсиз. Ҳатто, баъзилари унутилиб ҳам кетди. Шулардан бири архимед таёғидир. Тарих солномалари садоларига қараганда, эрамиздан аввалги 212 йилда римликлар юнонларнинг Сиракуз шаҳрини қамал этишади. Шаҳар ҳимоясига раҳбарлик қилиш Архимедга топширилади. Қадимги Рим тарихчиларининг дараклашича, Архимед бир таёққа кўзгулар тизимини ўрнатиб, Рим флотини ёндириб юборган экан.

Букун олимларимиз, замонавий лазернинг энгаги ўша пайтда кўтарилмаганмикин, дея бош қотиришмоқда.

ТАРТИБЛИЛАРНИ ТАРТИБГА ЧАҚИРДИ

Ижевск энергетиклари ушбу иссиқ кунларда шаҳардаги ички ишлар бўлимидан бирининг чироқларини ўчириб қўйди. Гап шундаки, тартиб посбонлари «светчи»ларга етти миллионлик қарзини тўламаган экан. Бўлим раҳбарларининг айтишича, уларнинг ғазнасида қарзни тўлагулик пули йўқ эмиш. Энергетиклар эса ҳаливери ўз аҳдларидан қайтишадиган эмас. Хулоса, тартиб посбонлари бундан буёғига жиноятчиларни қоронғида ўтириб излашадиган кўринади.

ҚОНУН ҲАММА УЧУН

Бельгиянинг Турне шаҳри фуқароси уй ҳайвонларига нисбатан ёмон муносабатда бўлганлиги учун уч ой қамоқ жазоси ҳамда 500 доллар жаримага ҳукм этилди. У қўшнисининг мушугини уриб, оёғини синдирган. «Қора мушуклар офат ҳисобланади, шу боис уларни ёмон кўраман», дея ўзини оқламоқ бўлди айбланувчи. У юқоридаги жазодан ташқари, бир умр уй ҳайвонларини сақламасликка ҳам маҳкум этилди.

САРОЙНИНГ ЭШИГИ ОЧИЛДИ

Қоҳирадаги Абдин қироллик саройи эшиклари фуқаролар учун ланг очиб қўйилди. Сабаби, унинг таъмиридан чиққан 500 дан ортиқ хоналари музейга айлантирилди.

Ун гектардан ортиқ майдонни эгаллаган бу улкан осорхонада Миср қиролларидан қолган ёдгорликлардан тортиб, бугунги президент Ҳусни Муборакнинг қуролларигача сақланади.

ана шунақа гаплар.

Спорт

ОММАВИЙЛИК — БОШ МЕЗОН

Республикамизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳар қачонгидан кўра катта эътибор берилаётир. Спорт соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим омили сифатида болалар боғчаси, мактаб ва ўқув юртларида кенг оммалашиб бораётганлиги, етук спортчиларнинг ҳалқаро мусобақаларда муваффақиятларга эришиб, мамлакатимизни жаҳонга танитаётганлигидан қалбларимиз чексиз ифтиҳорга тўлади. Бу фикрлар Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгашининг навбатдаги раёсат мажлисида алоҳида таъкидланди. Маърузачи ва нотиқлар жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг долзарб вазифалари тўғрисида батафсил тўхталди.

Раёсат мажлисини Марказий кенгаш раиси М. Ҳайдаров очиб, спортнинг 15 тури бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ўртасида ўтказилган ёшлар ўйинлари якунлари ҳақида ахборот берди.

Икки босқичдан иборат мусобақаларда 25 мингдан ортиқ йигит ва қиз иштирок этди. Республиканинг турли шаҳар ва туманларида ўтказилган финал мусобақаларида Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Тошкент вилоятларидаги бир қатор болалар-ўсмирлар спорт мактаблари талабалари муваффақиятли қатнашдилар.

Шунингдек, маърузачи айрим жойлардан финал мусобақаларига спортнинг кўпгина турлари бўйича талабалар қатнашмаганлигини таъкид қилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидан спортнинг 7 тури бўйича командалар финал мусобақаларига юборилмади. Навоий вилоятидан спортнинг 5 тури бўйича, Сурхондарёдан 4 тури бўйича командалар мусобақада иштирок этмади.

Раёсат мажлисида, шунингдек, 1996 йилнинг биринчи ярми учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг футбол бўйича тақвим режаси бажарилиши тўғрисида вазирлик жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Р. Саломов ахборот тингланди.

Нотиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 январдаги қарорини амалга ошириш юзасидан Халқ таълими вазирлиги томонидан қабул қилинган қарор асосида футбол мусобақаларини ўтказиш тақвим режаси ишлаб чиқилганлигини айтиб, айрим иккинчи босқич мусобақалари ўтказишга масъулиятсизлик билан қаралганини, оммавийликка эътибор берилмаганлигини кескин танқид қилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи муовини Х. Чориев, «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятлари Тошкент, Навоий, Андижон, Фарғона вилоят жамиятлари кенгаши раис муовинлари Х. Мирзаев, Р. Кенжаев, Р. Ҳамроев, В. Клушин, Қорақалпоғистон Республикаси жамият кенгаши мутахассиси Ф. Нодиров ва бошқалар фикр-мулоҳазаларини билдириб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича ўз таклифларини баён этишди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг муовини Х. Ф. Масъудов ўз нутқида спортни ривожлантиришнинг долзарб вазифаларига тўхталиб, умумтаълим мактаби ва ҳунар билим юртлари спартакиадаси ва болалар спорт мактаблари спартакиадаси катта спортга олиб чиқувчи йўл эканлигини алоҳида таъкидлади. У ҳар бир мактабда, туманда терма команда ташкил этиш лозимлигини, шу билан бирга мактаб раҳбарлари, туман ва вилоят халқ таълими ходимлари ўртасида мусобақалар уюштириш спортни кенг оммалаштириш омили эканлигига мажлис қатнашчилари диққатини қаратди.

Раёсат мажлисида, шунингдек республика «Соғлом авлод учун» дастури бўйича Наманган вилояти жисмоний тарбия жамоаларида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлаштирилиши ҳамда «Меҳнат резервлари» КСЖ Тошкент шаҳар кенгашининг молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ғ. МАННОПОВ.

Футбол

ЗЎРДАН ЗЎР ЧИҚАДИ

Миллионлаб футбол мухлисларининг диққат-эътибори Англия майдонларида бўлаётган 10-Европа чемпионатининг ярим финал ўйинларига қаратилган. Эслатиб ўтамиз, чемпионат ўйинларининг умумий жамғарма мукофоти 72 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу мукофотда чемпионатда иштирок этган ҳар бир терма команданинг улуши бор. Ҳатто иштирок этиб, ўз гуруҳидан чиқолмаган терма командалар ҳам 2,5 миллион АҚШ долларига эга бўладилар. Чемпион бўлган терма командага эса 8,6 миллион АҚШ доллари берилади.

Энди батафсил ҳал қилувчи ярим финал ўйинларига тўхталиб ўтсак. Ярим финалда имконияти кўпроқ баҳоланаётган Англия ва Франция терма жамоалари ўйинни кўтаринки руҳда ўтказа олмади. Майдон кенг, тўп юмалоқ деб шунга айтсалар керак-да. Имконияти кенг баҳоланаётган Англия ва Франция жамоалари аксига олиб ярим финал ўйинларида кутилмаганда мағлубиятга учради. Жумладан, Франция — Чехия терма командаларининг ўйинида мутахассислар тўла ишонч билан французлар ғалаба қозонади, деб башорат қилишган эди. Лекин чехлар ярим финалда французларнинг кўзини мошдек очиб қўйишди. Зўрдан зўр чиқади, деб шунга айтсалар керак-да. Ўйин давомида чехлар жуда чиройли ўйин намойиш этишди. Французларни асосий вақтда ҳам, қўшимча вақтда ҳам анча эсанкиратиб қўйишди. Ўйиннинг охиригача ҳисоб очилмади (0:0). Пенальтилар тепиш бўйича чехларнинг қўли баланд келди. (6:5).

Майдон эгалари — Англия терма жамоаси дунёнинг уч карра чемпиони, Германия терма жамоаси билан қуч синашди. Англияликлар ўзининг ўйида тўла ғалаба қозонишига ишонишганди. Лекин, чемпионликка хос ўйин кўрсатган немислар асосий вақт ва қўшимча вақтда дуранг ўйнади (1:1). Яна финалчини пеналти тепиш бўйича аниқлашди. Бунда немислар ишончли ҳаракат қилиб (6:5) ҳисобида муҳим ғалабани қўлга киритди. Энди немислар 30 июнь куни бўладиган финал ўйинида чехлар билан учрашишади.

Хайрулло ЖУМАЕВ.

Одобнома

«ДОМ»ЛИК БОЛАЛАР

Инсон қизиқ. Боласи аллақачон элликни уриб қўйганидаям, барибир унга болаларча муносабатда бўлгиси, ҳатто уни эркалатгиси, тобора еру кўкка ишонмай асраб-авайлагиси келаверади. Аслида эса, бизлар ҳам ота-оналармиз. Ҳар куни ишдан ёхуд уқишдан қайтар эканмиз, фарзандларимиз дарров бўйнимизга осилишади, атрофимизда гиргиттон бўлишади. Лекин, яшаш тарзимизга мундоқ синчиклаб назар солдиғам бўлсак, бу ширинданширин; турфа лаззатга тўла онларимиз, афсуски, баъзан бир оз омонатдек туюлиб кетади. Қаранг, ёшликдан ҳайҳотдек ҳовлида эмин-эркин катта бўлибмизу, даврлар ўзгара бориши важиданми ёки имконият нуқтаи назариданми, ишқилиб ўша ойдин кунларимиз ҳозирга келиб ширин бир хотирагагина айланиб қолаёзибди.

Биласиз, қишлоқ жойларда деярли барча хонадонларнинг, албатта, шахсий томорқаси бўлади. Ҳатто 6-7 ёш пайтимизданоқ бува-ю оталаримиз бизни ёнларига олиб, қўлимизга кетмонми, белкуракми тутқазиб қўйишарди. Биз эса, улар билан тенгма-тенг эрта баҳордан ер чопардик, кўчат экардик. Ёзнинг жазирама кунларида ҳам етиштирилаётган ҳосилнинг парвариши билан астойдил шуғуллана билишни яна ўша катталардан тинимсиз ўрганар эдик. Чунки, энг аввало, пешона тери эвазига ҳалол ризқ топиш миллий ғуруримиз, чексиз фахримиз. Ўзбек учун ҳалоллик, покизалик, матонат — буларнинг ҳаммаси қадимий мерос. Қолаверса, жисмоний меҳнат соғлигимиз учун ҳам фойдадан холи эмас, ахир! Мен ўз мулоҳазаларимни ҳеч қачон миллатчилик деган тушунчага тақамоқчи эмасман. Лекин, айнан туркий халқларнинг кекса отахон-онахонлари билан Европа қарияларини бирор марта фарқлаб кўрганмисиз? Кексаларимизнинг юзлари нега ёғдуга тўла, кўзлари чақноқ, қадлари тик?.. Негаки, уларнинг умри кетмон билан елкадош, сирдош. Улар ҳануз соппа-соғ, ана шу кетмон туфайлигина бақувват улар...

Ҳозир хоҳ шаҳар, хоҳ қишлоқ бўлсин, нима кўп, коммунал уйлар кўп. Уларни оддийгина қилиб «дом» дея атаймиз, ҳатто фахрланамиз бу уйлар билан. Тўғри-да! Замонлар ўзгармоқда, аҳоли сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Қолаверса, кимнингдир ҳовли-жой қилишга қурби етмайди, яна кимдир кўпдан ҳавасманд. Аммо, ҳар бир маконнинг ўз тошу торозиси бор. «Дом»да яшасанг-да, барибир фарзанд ўстирасан, тарбиялайсан. Фақат бу шароитда бола тарбиясига ота-онанинг ўта кучли эътибори керакка ўхшайди. Чунки, бу уйларда меҳнат қилиш, ҳунар урганиш, ёшларни ҳақиқий ҳаётга тайёрлашнинг имкониятлари чегаралангандек туюлади баъзан.

Шундай бўлгандан кейин, айниқса, баъзи қизларимизда ҳаётга тайёрланиш бир оз мушкул кечиши мумкин, албатта. Негаки, қиз бола рўзғор учун биринчи навбатда масъул. У ота-она томонидан чексиз орзу-ҳавас ила узатилар экан, бўлғуси келиндан ўша хонадон соҳиблари янги-янги фазилатлар кутишади. Яъни, у нон ёпиш, пазандалик, сигир соғиш, фаҳму фаросат, шарқона маданият, сабр-тоқат, иззату ҳурмат бобида ягона бўлиши керак-да! Ана шундай пайтда кўпчилик ота-оталарнинг ер чизиб қолиши, янги келинга куёв, қайнона-қайнотанинг кўнгилсиз бўлиб қолишига, асосан ўша келиннинг том маънодаги ўқувсизлиги рукач қилиб қўя қолинади. Тўғри, умрида тандир қучоқлаб нон ёпиш у ёқда турсин, ҳатто бир донагина пиёз тўғраб кўрмаган қиз қандай қилиб эзозли келин сифатида ном қозонсин ахир?

Йўқ. Аслида бу хусусда, узилкесил барибир, ёлғиз ота-онагина айбдор бўлади. Нега деганда, айниқса, ўша «дом» шароити қизларимизнинг энг асосий тарбияси учун жуда қулай имкон. У ерда нон ёпиш, бичиш-тикиш, пазандалик — ҳамма-ҳаммаси жиддий эътиборимизга жуда-жуда муҳтож. Ахир, озгина ун билан газ плиталаримизда қанчалар тотли, бўрсилдоқ ўзбек нонларини пиширса бўлади...

Буям майли. Бир қўшним бор. Оддий мусулмон аёл. Ёлғизгина ўғилчаси 2-синфда ўқийди. Ажабланарлиси шундаки, ўзбек бўлишига қарамай, хонадонига беихтиёр қадам ранжида қилсангиз, ҳатто сизга ҳам фақат рус тилида муомала қилади. Бу-ку, бир нави. Ахир, тил билмоқ гуноҳмиди, деб қўя қолиш мумкин. Лекин, ҳалиги биттагина фарзанд соф ўзбек тилида негадир жуда қийналиб гапиради. Унинг аҳволини кўриб, баъзан ачинади киши. Аслида, тил ўрганиш, қайси тилда муносабат юритиш ҳар кимнинг шахсий муаммоси. Давр талаби бўйича ҳам бу масалага бутқул эътиборсиз қараб бўлмайди. Аммо, мурғаккина гўдакда не гуноҳ? У авлод-аждоди обдон суриштириб келинганда ҳам ҳақиқий ўзбек боласи-ку? Тўғри, балки онаси ўша йигитчанинг ёркин келажагини, камолини ўйлаб шундай қилаётгандир? Балки, бу нарса ўша хонадоннинг азалий орзусидир? Бироқ, биринчи навбатда ўзини қадрлай билмаган зот бошқаларнинг қимматига қандоқ қилиб етсин? Қолаверса, ўзбек элининг ҳам нақадар қадрли ўтмиши бор. Бой меросини нафақат ўрганиш, балки қўзларга тўтиё айласак, ҳатто ширин жонимиз ўрнида асраб-авайласак, тоабад фахр-ифтихор этса арзигулик буюк сиймоларнинг авлодимиз, ахир!

Яна бир нарса. Кунлардан бир куни биздан сал нарироқдаги «дом»да икки қўшни эркак не ваӂландир қаттиқ муштлашиб қолишади. Афсуски, анча вақтгача уларни шунчаки ажратиб қўядиган одам топилмайди. Етиб келган милиция ходимлари қўни-қўшнилардан бу ҳақда сўраб-суриштиришганда улар «Танимаган одамнинг орасига тушиб нима қиламиз», — дея бош чайқашади...

Ҳа, биз хоҳ шаҳарда, хоҳ бирон-бир посёлкада яшамайлик, барибир «дом»ликлигимизга борар эканмиз-да! Бир-биримизни танимаймиз, қўшничилик қилмаймиз, қизиқмаймиз. Ахир, ортимиздаги болалар бундай вазиятларда кимлардан ўрнак олишади? Улар ҳам бизлардан-да кўра «ёввойилашиб» кетишмасмикан кейинчалик?

Умуман олиб қараганда эса, бола дегани ота-онанинг энг қутлуғ изи, издоши. Биз ўшалар ҳаққи нималаргадир эришамиз, нималандир умидвор яшаймиз. Шунинг учун ҳам биз қаерда, не юмуш, ташвиш ёхуд зарурат билан банд бўлмайлик, барибир мунчоқдек фарзандларимиз учун ёки энг мустаҳкам пойдевор рамзи бўлиб қолаверамиз.

Олимжон ҲАЙИТ.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳридаги «Эски жўва» савдо уйи хусусий корхонаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Олимжон ҲАЙИТ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0321. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
123456